O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 7-noyabr, chorshanba ✱ № 46 (798) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ПОЛИЦИЯЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Косово жанубидаги Печ шаҳри ҳудудий полиция бошқармасининг ашёвий далиллар сақланадиган омборхонасидан 40 килограмм оғирликдаги олтин ўғирланган.

Қизиғи шундаки, жиноятга маҳаллий полициячи бошчилик қилган.

⇨ 5-бет

БИР КУН ҲАМ УМР, МИНГ КУН ҲАМ!

— Кеча қўшни қишлоқдан бир давлатманднинг арзандаси келибди, — худди менинг саволимдан энсаси қотгандек пешонасини тириштирди фермер. — Нима эмиш, у банкдан фалон миллион кредит олармиш, мен кафил ўтармишман. Борди-ю, қарзини тўлай олмаса, менинг фермерлигим давлат тасарруфига ўтиб кетаркан.

— Кейин-чи?

7-бет

ШОҲЖАҲОННИНГ ШОҲ ГОЛИ

Она юртимизда бизни катта шодиёна билан қарши олишганидан бахтиёр эдик. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида биз ёшлар учун, хусусан, футбол ривожи учун оламшумул ишлар қилиняпти. Менинг, жамоамизнинг муваффақиятлари мана шу эътиборнинг самараси, деб ўйлайман.

⇨ 8-бет

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✱ ***Мамлакатимизга ташриф буюрган БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА) ижрочи директори, БМТ Бош котибининг ўринбосари Бабатунде Осотимеин Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Анвар Алимов ҳамда Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова билан учрашди.***

✱ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. "Ишбилармонлик муҳити янада тубдан яхшиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда депутатлар, тегишли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

✱ ***31 октябрь куни пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Ипак йўлидаги туризм – 2012" XVIII Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси иш бошлади. Мазкур тадбирнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатлар сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, экспертлар ҳамда юртимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.***

✱ Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази томонидан судьялар ва суд тизими ходимларининг ижтимоий муҳофазасини янада кучайтириш масаласига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Конституциявий ва Олий хўжалик судлари, Бош прокуратура ҳамда Адлия вазирлиги ходимлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

«Hurriyat» газетаси «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.



Тадбир

Жамоатчилик назорати — ОАВ иштирокида

Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш назорат режаси доирасида «Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг роли» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиқлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини ошириш борасидаги ролини кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

— Фуқаролик жамиятини шакллантиришни фуқароларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигисиз, давлат бошқарувидаги иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди, — деди тадбирда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов. — Бунда, албатта, оммавий ахборот воситалари асосий ўрин тутади. Айнан ОАВ орқали фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётганини, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганлигини, масъул ва мансабдор шахслар вазифаларини нечоғли адо этаётганлигини билиб, керак бўлса, бу жараёнларга ўз муносабатларини билдиришлари мумкин бўлади.

4 ⏩

ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК — МУҲОФАЗАДА

Фарғона тумани тиббий бирлашмасига қарашли туғруқ комплексида оналар ва болалар ўртасидаги саломатлик кўрсаткичларини яхшилашга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айни кунда "Саломатлик-3" лойиҳасига кўра замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган туғруқ комплексининг акушер-гинеколог, неантолог ва педиатрлари "Бехатар оналик" дастури доирасида репродуктив саломатлик, туғруқлар оралиғини сақлаш, исталмаган ҳомиладорликнинг олдини олиш, гўдакларни парваришлаш бўйича олиб бораётган тушунтириш ишлари ўз самарасини бермоқда.

Суратда: шифокор Маҳфират Маърупова иш пайтида.

М.ҚОДИРОВ (ЎзА) олган сурат

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига

А.САИДОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" дастурий маърузасида давлат мустақиллиги "давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши, яъни ислоҳотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш" учун шарт-шароит яратди деб таъкидлади.

2 ⏩

ОБУНА – 2013

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар!
"HURRIYAT" газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.
2013 йил учун обуна давом этмоқда.
Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг.
Обуна бўлинг!

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслатиб ўтамиз:
"HURRIYAT" *нинг катор индекси — 233*

ННТлар фаолияти

Муҳими – ўзаро ишонч ва мақсадга содиқлик

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятига демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоячиси сифатида қаралмоқда. Зеро, улар ролини кучайтириш, шубҳасиз, фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим омил ҳисобланади.

Хўш, айни пайтда ННТларни изчил тараққий топиши, эркинлиги ва мустақил иш юритишини таъминлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ҳамда моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ишлари қай даражада амалга оширилмоқда? Шу каби саволлар билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Наманган вилояти ҳудудий бўлинмаси раҳбари Зафаржон Худойбердиевга мурожаат қилдик.

2 ⏩

ВАТАН СИЙРАТИ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАДАНИЯТИ

(Бошланиши 1-бетда.)

1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ана шундай кенг кўламли демократик ислоҳотларни, кучли ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш учун ҳуқуқий асос бўлди. Табиийки, бунда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари акс этган демократик қадриятларни қарор топтириш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Давлатимиз ва жамиятимиз ҳуқуқий негизини тубдан ўзгартириш, ўзаги Конституция бўлган миллий ҳуқуқий тизимни шакллантириш даврида демократик ўзгартиришларни қўллаб-қувватлаш ва уларни рўёбга чиқаришда жамият барча қатламларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онги даражасини ошириш ғоят муҳим омил бўлди. Бунда 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган **"Жамият ҳуқуқий маданиятини ошириш миллий дастури"**ни изчил амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этди.

Мамлакатимиз Президенти парламент палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида қилган маърузасида **жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш** жуда муҳим эканлигини алоҳида уқтирди. Шу ўринда **"инсон ҳуқуқлари маданияти"** категориясининг биз учун янги эканлигини таъкидлаш лозим. Инсон ҳуқуқлари маданияти ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг билан узвий боғлиқ бўлиб, демократик умуминсоний қадриятлар ва инсон ҳуқуқлари идеалларига таянади.

Инсон ҳуқуқлари — умуминсоний маданиятнинг кудратли таркибий қатлами бўлиб, уни ўзлаштирмасдан Ўзбекистонда, шунингдек халқаро даражада рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жараёнлар яхлит тизимини объектив баҳолашнинг имконияти йўқ. Мамлакат Конституциясида қайд этилганидек, *"инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади" (Асосий Қонуннинг 13-моддаси)*. Бу энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий тамойил ҳамда ижтимоий ва давлат ҳаётини демократлаштиришнинг, жумладан Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини инсонпарварлаштириш ва либераллаштиришнинг устувор вазифасидир.

Инсон ҳуқуқлари маданияти — билимлар ҳамда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқларини эътироф этиш ва ҳурматлашга асосланган қадриятлар, қарашлар, руҳий ҳиссиётлар, шунингдек амалий кўникмалар ва уларни амалга ошириш,ҳимоя қилиш тизимидир.

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини демократиянинг асоси сифатида ҳурмат қилишга одатланишимиз учун фуқаролар: **биринчидан,** ўз ҳуқуқ ва эркинликларини англашлари; **иккинчидан,** мазкур соҳада муайян билимларга эга бўлишлари; **учинчидан,** бошқа одамларнинг ҳуқуқлари ва қадр-қимматини ҳурмат қилишлари; **тўртинчидан,** бу ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида амалий кўникмаларга эга бўлишлари керак.

Буларнинг хаммаси — инсон ҳуқуқлари маданиятининг энг муҳим жиҳатларидир, инсон ҳуқуқлари маданиятининг юксак даражаси эса ўз навбатида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш кафолатларидан биридир.

Шу боис ҳам инсон ҳуқуқлари маданияти жамият маънавий маданиятининг таркибий қисмидир. Инсон ҳуқуқлари маданияти конституциявийлик қадриятлари, демократия, инсон ҳуқуқ ва эркинликларидан ташқарида шакллана олмайди.

Давлатимиз рахбари кўрсатиб ўтганидек, *"жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир"*.

Мустақил тараққиёт йилларида мамлакатни демократик янгилашнинг энг муҳим йўналишларидан бири — *"қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш", "суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш"* бўлди.

Шу йиллар мобайнида инсоннинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини таъминлаш, қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан кенг кўламли қонунчилик ташкилий-институционал, ахборот — маърифий чоралар комплекси амалга оширилди.

Инсон ҳуқуқлари борасида ривожланган, демократик талаблар ва халқаро андозаларга жавоб берадиган қонунчилик тизими яратилди. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишга йўналтирилган 300 тадан кўпроқ қонун қабул қилинди.

Мамлакатда парламент Омбудсмани, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ташкил этилиб, бугунги кунда улар самарали фаолият олиб бормоқда.

Шу ўринда бу борада кўлами кенгайиб бораётган нодавлат тизими ташкил этилиб, унинг самарали фаолият мезони ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг тамойиллари конституциявий мустаҳкамлаб қўйилганлиги аҳоли турли қатламлари манфаатларини ифода этадиган ННТларнинг тармоқлари кенгайиб, муттасил ривожланиб бориши учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирги вақтда мамлакатда 5200 тадан кўпроқ ННТ фаолият олиб бормоқда, уларнинг сони 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга ортди.

Ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг даражаси ва сифатини оширишга қаратилган чоралар тизимида демократик давлатлар тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқлари бўйича узлуксиз таълим тизимини яратиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча мактаблар, академик лицейлар касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида махсус "Инсон ҳуқуқлари" ўқув курси киритилди.

Ушбу самарали чоралар фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқаришлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликларини, маданияти ва ҳуқуқий онгини, демократик ўзгартиришларни амалга оширишга дахлдорлик ҳисларини тарбиялаш учун зарур шарт-шароитларни яратди.

Инсон ҳуқуқлари маданияти — халқ умумий маданиятининг чамбарчас қисми бўлиб, маданият тараққиёти, халқ менталитети даражасини акс эттиради. Шу билан бир қаторда Инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантиришнинг бошқа: сиёсий, ҳуқуқий, эстетик, маънавий маданият турларини ривожлантириш жараёнларидан алоҳида тасаввур этиб бўлмайди. Бу комплекс масаладир. Уларни вазифаларнинг муштараклиги — жамиятда ахлоқий-ҳуқуқий ва демократик муҳитнинг яратиш вазифаси бирлаштиради. Бу муштараклик шахснинг хулқ-атвори реал эркинлигини кафолатлайди ва буни жамият олдидаги масъулияти билан бирлаштиради, инсоннинг ҳуқуқлари, ижтимоий ҳимояланиши, унинг қадр-қиммати ҳурмат қилинишини таъминлайди. Яъни, бунда инсон иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар марказига қўйилади.

Инсон ҳуқуқлари маданияти — фақатгина ҳар бир инсон ўз ҳуқуқларини биладиган маданиятнинг ўзигина эмас. Чунки билишни ҳамиша ҳам ҳурмат қилишга айнанлаштириб бўлмайди, ҳурмат бўлмаслиги эса ҳамиша ҳуқуқлар бузилишига йўл очиб беради. Инсон ҳуқуқлари маданияти ўзаро боғлиқ бўлган муносабатлар, эътиқодлар, хулқ-атворлар, нормалар ва талабларни мужассамлаштирган.

Инсон ҳуқуқлари маданияти унинг марказидан бамисоли қизил ип бўлиб ўтадиган инсонпарварлик тамойили ҳамдир. Шундай экан, у инсон шахси ҳуқуқ ва эркинликлари, қадр-қиммати ва қадриятларини ҳурмат қилиш ва уларга амалда риоя этиш ғоясидир. Демак, инсон ҳуқуқлари маданияти: **биринчидан,** жамият ва давлатни инсонпарварлаштириш ва демократлаштиришнинг энг муҳим воситаси ва зарур шарти ҳисобланади; **иккинчидан,** инсон ижтимоий гуруҳлар ва жамиятнинг умуман конституциявий-ҳуқуқий институтларига тегишлича муносабатда бўлишларини шакллантиришга таъсир кўрсатади; **учинчидан,** шахснинг фуқаролик фазилатларини (ҳуқуқни инсон ҳуқуқлари орқали идрок этиш, фуқаролик фаоллиги, жамият манфаатларини англаш ва ўз хатти-ҳаракати учун жавобгарликка қодирлик) ривожлантириш имконини беради; **тўртинчидан,** ҳуқуқий онг бузилиши ва ҳуқуқий нигилизмни бартараф этишга дастак бўлади; **бешинчидан,** инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг конституциявий механизмларига муносабатини ўзгартиради, улардан фойдаланиш кўникмаларини ҳамда бу механизмлар самарадорлигига ишончни шакллантиради.

Давлатимиз раҳбари инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш бўйича иккита устувор вазифани кўрсатиб берди:

биринчидан, *"бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яшилашга қаратилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш";*

иккинчидан, *"энг аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам" этадиган "Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш"*.

Кўриниб турибдики, инсон ҳуқуқлари маданияти масаласи тобора такомиллашиб, жамият тараққиётида ўзининг мустаҳкам ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Унинг юксаклиги фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати сифатида ўз хусусиятларини намоён этиши шубҳасиз.

Муҳими – ўзаро ишонч ва мақсадга содиқлик

(Бошланиши 1-бетда.)

— Аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳлари манфаатларини акс эттирадиган фуқаролик жамияти институтлари — фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вазифаларини изчиллик билан кенгайтиришда ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларини молиялаштириш орқали уларни қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг роли катта бўлмоқда. Мазкур фонд ўз фаолиятини бошлаган вақтдан буён эълон қилинган грант танловларида вилоятимиздаги ННТлар ҳамда нодавлат ОАВ таркибидан жами 143 та муассаса иштирок этди. Улар тақдим этган лойиҳаларнинг 35 таси молиялаштирилди.

— Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, танлов ғолиблари жами ННТларнинг 40 фоизини ташкил этмоқда. Ёки жами тақдим этилган лойиҳаларнинг 20 фоизигина танловда грант олиш ҳуқуқини қўлга киритган. Бу оз эмасми?

— Албатта, оз. Лекин кейинги йилларда танловда иштирок этаётган ва ижобий натижаларга эришаётган ННТлар сони тобора ошиб бораётгани қувонарли. Агар дастлабки уч йил давомида ННТлар томонидан тақдим этилган 84 та лойиҳадан 213 миллион 200 минг сўмлик қийматдаги 21 та лойиҳа молиялаштирилган бўлса, 2012 йилнинг ўзида 59 та ННТ иштирок этди. Уларнинг 14 таси 194 милион 900 минг сўм умумий қийматдаги грант соҳиби бўлди. Бу 4 йил давомидаги жами иштирокчиларнинг 41 фоизи ёки қўлга киритилган грантларнинг 40 фоизини, жами лойиҳалар молиявий пакетининг 48 фоизини ташкил қилади.

— Жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловлар тобора такомиллашиб бормоқда. Бу аввало қайси жиҳатларда кўринади?

— Ҳар қандай грант лойиҳасининг аҳамияти, ўша лойиҳанинг амал қилиш муддати билан ниҳояланиб қолмаслигида. Яъни ҳар бир лойиҳа келгусида қайсидир соҳа ёки йўналишдаги турдош муаммолар ёхуд масалалар ечимига қаратилган мукаммал механизмни шакллантиришга хизмат қилиши лозим. Шу жиҳатдан олиб қараганда, Жамоат фонди томонидан эълон қилинаётган янги танловлар йўналиш ва қамровига кўра олдинги йилларга нисбатан сезиларли тарзда такомиллашиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Мазкур такомиллашув, ўзгаришлар бундан кейин ҳам изчил давом этади. Буни жорий йилнинг ўзида Жамоат фонди томонидан 5 маротаба танлов эълон қилингани ва уларнинг барчаси алоҳида аниқ йўналишларда эканлигида ҳам кузатиш мумкин.

— Грант лойиҳалари рўёбга чиқарилишининг шартлилиги ва уларнинг ижтимоий аҳамиятлилик даражалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Грант маблағларини қўлга киритишдаги асосий шартлар ўша лойиҳанинг ижтимоий аҳамиятлилик даражасига боғлиқ. Бу ўз-ўзидан уни тўлақонли амалга ошириш ва кўзланган мақсадга эришишни тақазо этади. Демак, нафақат лойиҳанинг, балки ННТ ҳамда Жамоат фондининг фаолият самарадорлиги ҳам ана шу омилга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан лойиҳа доирасида белгиланган мақсадга эришилганлик даражаси, маблағлардан мақсадли фойдаланганлик ҳолати юзасидан жамоатчилик мониторингини ташкил этиш амалиёти шунчаки, грант маблағларини олган ННТлар фаолиятини текширишни эмас, биринчи галда, ўзаро ишонч, қатъий мақсадга содиқлик, жамият олдидаги масъулликни кучайтиришни, яқин вақтлар ичида амалиётга кириб келаётган жамоатчилик назоратини энг аввало, ННТлар ўртасида ташкил этишни кўзлайди.

— Натижалар қандай?

— Кейинги йилларда фуқароларнинг ўз ташаббуслари асосида тузилиб, давлат ҳисоби бўйича рўйхатга олинган ННТлар сонида ҳам, улар фаолиятида ҳам жонланиш сезилмоқда.

Вилоятимизда 29 та ННТ ташкил этилиб, рўйхатга олинган. Улар миллий ҳамда хорижий грантлар танловларида қатнашиш, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларида ўз ташаббуслари билан иштирок этиш борасида ижобий натижаларга эришмоқда. Сўнгги уч йил ичида вилоятдаги ННТлар томонидан олинган грант лойиҳаларининг саккизтаси ёки 42 фоизи давлат ҳисоби бўйича рўйхатга олинган ННТлар ҳиссасига тўғри келади. «Келажак нури» ННТ, «Барҳаёт сайёра» экологик маркази, «Экологияни асранг» маҳаллий уюшмаси, «Косонсой бизнес инкубатори», «Савоб» ўзаро ёрдам хайрия жамғармалари шулар жумласидандир.

Грант танловларида муваффақиятли иштирок этган ҳисоб рўйхатидаги ННТлардан «Пенчак силат» спорт клуби, «Тадбиркор аёл» ассоциацияси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси, Ногиронлар жамияти, «Ҳунарманд», «Меъморлар» уюшмалари, Репродуктив саломатлик ассоциацияси вилоят бўлимларини фахр билан таъкидлаб ўтиш кифоя.

— Танлов иштирокчилари ёки ғолибларининг йилма-йил ортиб боришига қараб, ННТларнинг ижтимоий фаоллиги ортиб бормоқда деган хулоса чиқариш мумкинми?

— Йўқ. Грант танловларида иштирок этиш ННТларнинг тўла фаоллигини англатмайди. Аксинча, нодавлат ва жамоат ташкилотларининг пировард ижтимоий фаоллиги бу уларнинг минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш давлат дастурларидаги иштироки билан белгиланади.

Шу маънода айтиш жоизки, «2010 йил — Баркамол авлод йили» вилоят дастурида бор-йўғи 3 та ННТ бевосита ўз ташаббуси билан жами 8 та банддаги вазифани ўз зиммасига олган эди. «2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» вилоят дастурида эса 6 та ННТ ўзларига бевосита ҳамкорликда бириктирилган 42 та банддаги вазифаларни зиммаларига олишди.

Жорий йилда «Мустаҳкам оила йили» вилоят дастурига жалб этилган ННТлар сони 15 тага етди. Улар ўз ташаббуслари билан 183 та банддаги вазифаларни амалга оширишни мақсад қилишди.

Танловлардаги юқори кўрсаткич масаласига келсак, бу ўз олдига қўйган мақсад ва вазифаларни изчил амалга оширишни мақсад қилган ННТлар учун жамоатчилик эътиборини қозонишда, фаолиятни мустақил молиялаштириш, давлат ташкилотлари ва бошқа ННТлар билан ўзаро ижтимоий шерикликни йўлга қўйиб олишда катта ўрин тутади.

Саидолим АБДУРАҲМОНОВ суҳбатлашди.

Мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди грант танловининг «Учинчи сектор ривожи йўлида ҳамфикр, ҳамқадам ва ҳаммаслак бўлайлик» номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.

ОГОҲЛИК

ЛОҚАЙДЛИК ТАШВИШ КЕЛТИРАДИ

Кейинги йилларда юртимиз тобора чирой очиб бормоқда. Айниқса, бунёд этилаётган маънавий-маърифий иншоотлар, ўқув ва спорт мажмуалари, қолаверса, кўркам боғлар мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига ўзгача бир гўзаллик бахш этаётир.

Табиийки, бу неъматларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, келажак авлодларга бекаму кўст етказиш ҳар бир юртдошимизнинг бурчи ҳисобланади. Аммо биргина эътиборсизлик туфайли шундай гўзалликка зиён етказиб қўйиш ҳам мумкин. Масалан, нотўғри фойдаланилганда тилсиз ёвга айланадиган олов табиатга қанчадан-қанча зарар етказишини барча яхши билади.

Маълумки, ёнғин ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Аксарият ҳолларда одамларнинг лоқайдлиги, эътиборсизлиги бунга сабаб бўлади. Шу билан бирга, носоз газ ва электр асбобларидан фойдаланиш, хазон ва чиқиндиларни ёқиб юбориш ҳам ёнғинни келтириб чиқариши мумкин. Энг ёмони, кутилмаганда пайдо бўлган ёнғин оқибатида инсонлар вафот этиши ёки бир умрга ногирон бўлиб қолиши эҳтимоли катта. Шу боис, ҳар биримиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, ёнғинни ўчиргандан кўра, унинг олдини олган афзал.

Аҳамиятлиси, ёнғин хавфсизлиги борасида мамлакатимизда мутасадди ташкилотлар томонидан аҳоли ўртасида, хусусан, олий ўқув юртларида, мактаб ва боғчаларда, маҳаллаларда кўплаб тарғибот ишлари олиб бориляпти. Бу каби тадбирларда иштирок этиб, ёнғинга қарши кураш қоидаларидан яхши хабардор бўлган ва уларга риоя қилган кишилар хонадонида ҳеч қачон кўнгилсизлик келиб чиқмайди.

Асом ҚАМБАРОВ,
Тошкент шаҳридаги 28-ҲЁХҚ ходими

Реклама

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

миллий валютадаги янги муддатли омонатларнинг амалга киритилганлигини маълум қилади:

"КУЗГИ"

- **сақлаш муддати — 2 ой;**
- **бошланғич бадалнинг минимал суммаси — 5 000 000 сум;**
- **омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;**
- **фоизлар омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади;**
- **омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 25 ноябрига қадар амалга оширилади.**

"САРМОЯ"

- **сақлаш муддати — 6 ой;**
- **омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинади;**
- **фоизлар ҳар чоракда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг тўланади. Талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмайди;**
- **омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 31 декабрига қадар амалга оширилади.**

Шунингдек, миллий валютадаги "МУРАББИЙ" омонатининг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 декабрига қадар ва "ИСТИҚЛОЛ" омонатининг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 31 декабрига қадар узайтирилганлигини маълум қилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефон рақамлари орқали ёки Банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.

www.nbu.com

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК — МУСТАҲКАМ ОИЛА ПОЙДЕВОРИ

Бизнеснинг бу шакли нафақат оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишга, балки оиладаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ривожланиши учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит яратиш зарурлиги алоҳида таъкидланган. Концепция талаблари асосида ишлаб чиқилган "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятини янада кенгайтирди.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзоларининг умумий молмулки ва мулкий улуши негизида ҳамда уларнинг бевосита биргаликдаги меҳнати билан ташкил этилган оилавий корхоналар томонидан амалга ошириладиган хўжалик фаолиятидир. Унинг учун қулай муҳит яратилишидан кам таъминланган оилалар, вақтинча ишсиз фуқаролар, умуман ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари бевосита манфаатдор. Бинобарин, бизнеснинг бу шакли нафақат оила аъзоларини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишга, балки оиладаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, бозорни, талаб ва таклифни ўрганиш, шунга кўра маҳсулот ишлаб чиқариш, маиший хизматнинг янги турларини жорий қилиш ва сифатини ошириш, айни пайтда ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, оила бюджетини шакллантириш ва уни бошқариш каби бозор иқтисодиёти шароити учун ғоят зарур кўникмаларни мустаҳкамлайди.

Оилавий тадбиркорлик тушунчаси оила аъзолари томонидан таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятини ифодалайди. У юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона ҳисобланади.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, иштирокчиларнинг улуши ёки биргаликдаги умумий мол-мулки, шунингдек, улардан ҳар бирининг молмулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Бундай корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ишчиларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас.

Иштирокчилар. Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга лаёқатли бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек, қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши тақиқланади. Бирор оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа шундай корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

Устав фонди. Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан, пул билан баҳоланадиган мулкий ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантирилади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас. Оилавий корхона иштирокчилари корхонанинг устав фондига таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда ўзлари киритадиган мол-мулкни мустақил равишда белгилайди.

Устав фонди оилавий корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак.

Фаолият амалга ошириладиган жой. Оилавий корхона иштирокчиларига қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар корхона фаолияти амалга ошириладиган жой ҳисобланади. Мулк ҳуқуқи асосида корхона иштирокчиларига тегишли бўлган турар жойлар улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди (фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Фаолиятни амалга ошириш шартлари. Оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқариш ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олиш, шунингдек, юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас.

Корхона фаолиятида заҳарли, радиактив моддалар ва материаллардан, юқори босимли ҳамда инсон ва атроф-муҳит учун катта хавф туғдирадиган бошқа асбоб-ускуналардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Бундай моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналарнинг рўйхати Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳсулотни реализация қилиш. Ишлаб чиқарилган маҳсулот нақд пул орқали ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилинади. Маҳсулотни реализация қилиш у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин.

Ҳисоб-китоб. Ҳисоб ва ҳисобот, фаолият устидан статистика кузатувлари кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда юритилади.

Иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ижтимоий муҳофазаси. Оилавий корхонада иштирокчилар ва ёлланма ходимларнинг ишлаган вақти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юритиладиган меҳнат дафтарчасидаги ёзувлар асосида меҳнат стажига қўшилади.

Солиқ солиш хусусиятлари. Қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ ҳамда меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга мажбурий тўловлар тўланади. Корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Худди шунингдек, оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўплашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Бундай буюмларнинг рўйхати Республика Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида кўзда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

Коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишни таъминлаш. Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар ва шартлар асосида амалга оширилади. Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шароитлар асосида таъминлайди.

М.ОМОНОВ,
Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи

ФАОЛИЯТ



Импортдан экспортга

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами ниҳоятда кенг. Қишлоқ ва шаҳарларимизда барпо этилаётган замонавий турар жойлар, саноат, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, спорт мажмуалари республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишда, аҳоли турмушининг янада фаровон бўлишида муҳим роль ўйнамоқда. Бу ишларнинг самарадорлиги объектларнинг сифатли қурилиш материаллари билан доимий равишда таъминланиб туришига боғлиқ.

Мамлакатимиз қурилиш материаллари саноати учун бой хомашё ресурсларига эгалиги жиҳатидан Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Бу, ўз навбатида, соҳанинг тараққий этишига замин яратади. Ресурслар бор экан, имкониятлар ҳам юзага келаверади. Масалан, айни дамда юртимизда 500 дан зиёд ғишт, цемент, керамзит хомашёси, арраланадиган тош, гипс, оҳактош, бетон ва шу каби қурилиш ашёлари конлари аниқланган бўлиб, улар базасида боғловчи, иссиқликни ҳимоя қилувчи ва томбоп материалларни ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, шиша, асбоцемент ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи керамик комбинатлар ҳамда заводлар ишлаб турибди.

Бундан 10-15 йил илгари қурилиш ашёларининг кўпи хориждан келтирилар эди. Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан бу муаммо ҳам ўз ечимини топа бошлади. Хусусан, гипсокартонни четдан харид қилиш бутунлай тўхтатилди. Ҳатто уни экспорт қилиш йўлга қўйилди. Жорий йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида 7 миллион долларга тенг қийматдаги гипсокартон хорижга сотилди. Бундан кўриниб турибдики, чет эл қурилиш ашёлари билан сифати ва нархи бўйича рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотларнинг тури тобора ортиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида хорижга 63 миллион доллар қийматига тенг 31 турдаги маҳсулот экспорт қилинишининг ўзи соҳанинг тез суръатларда тараққий этаётганидан далолат беради. Албатта, ишлаб чиқариш корхоналарининг модернизация қилингани бундай ютуқларнинг асосий омили бўлди, десак, муболаға бўлмайди.

— Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланилгани боис, қурилиш материалларини жаҳон стандартлари даражасига етказиш бўйича кўпгина ишлар қилинмоқда, — дейди «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг ишлар бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Хўжақулов Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда. — Биз ишимиз кўламини янада кенгайтириш учун янги маҳсулот — оқ цемент ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шу кунларда Жиззах вилоятида цемент заводи қурилиш ишлари давом этмоқда. Завод ишга тушгандан сўнг йилига 350 минг тонна оқ цемент ва 760 минг тонна портландцемент ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади.

Тармоқни ривожлантиришда Президентимизнинг 2005 йил 24 мартдаги "Иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этди. Фармонда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 2005-2010 йиллар давомида жами 120 та лойиҳа амалга оширилиб, ўнлаб корхоналар ишга туширилди. Пировардида, ҳозирга пайтда бозорларимиз асосан ўзимизда ишлаб чиқарилган сифатли қурилиш маҳсулотлари билан тўлдирилмоқда. Буни юртдошларимизнинг мамнуният ила билдирган эътрофларидан ҳам билиш мумкин.

— "Ўрикзор" қурилиш материаллари бозорини кўриб, ҳайратим ошди, — дейди Баҳодир Юнусов. — Чунки бу ердаги маҳсулотларнинг турини кўриб, қай бирини танлашни ҳам билмайсан, киши. Ўзимизда ишлаб чиқарилгани ҳам бор, хорижники ҳам. Фақат нархида бир оз фарқ бор, холос. Мени қувонтирган нарса — ўзимизда тайёрланган қурилиш ашёлари сифати, чидамлилиги, дизайни жиҳатидан чет элникидан қолишмаслигидадир. Уй қурмоқчи бўлсак, цементдан тортиб, иморат томигача ўзимизнинг қурилиш ашёларидан фойдаланамиз. Бу кишини қувонтиради.

Албатта, соҳа муваффақиятларида қўшма корхоналарнинг ўрни алоҳида. Сўнгги йилларда Германиянинг дунёга машҳур "Кнауф" фирмаси билан ҳамкорликда "Кнауф гипс Бухоро", Фарғона шаҳрида эса хитойлик инвесторлар билан биргаликда "Modern Keramic Industries" корхоналари барпо этилди. Шунингдек, Жанубий Кореянинг TTIOT компанияси билан санитар-техник сопол буюмлари ишлаб чиқаришни ташкил қилиш учун музокаралар олиб борилмоқда. Лойиҳани амалга ошириш 2013-2014 йилларга мўлжалланган бўлиб, қўшма корхонани Тошкент вилоятининг "Ангрен" эркин индустриал ҳудудида барпо этиш режалаштирилмоқда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

Иш мезони — ҳушёрлик

Ҳайдаржон бугун ҳам ўз хизмат вазифасини адо этиш учун туман ички ишлар бўлимининг навбатчилик қисмига кириб келди. Ҳамкасблари билан саломлашар экан, қандай топшириқлар борлиги билан қизиқди.

— Ҳув анави одамларни кўраяпсизми? — деди навбатчи ташқарида безовталанганидан у ёқдан-бу ёққа бориб келаётган уч-тўрт чоғли кишини кўрсатиб. — Улар хоразмлик деҳқонлар. Тошкентга гуруч олиб келишган экан. Бир фирибгарга йўлиқишибди. У бу одамларни алдаб, пулини бермасдан гуручларини олиб кетибди. Хизматдасиз, юк машиналарига алоҳида эътибор беринг, гуруч ортган машиналарни тўхтатганда ҳужжатларини синчковлик билан текшириш зарур. Ҳа, айтмоқчи, мана ўша фирибгарнинг сурати. Деҳқонлардан бири тасодифан телефонига тушириб олган экан.

— Тушунарли, — деди Ҳайдаржон хирагина суратни қўлига олар экан.

Ҳайдаржон суратга қарай-қарай, хизмат автомобили томон юрди. Машинани ўт олдириб, ўзига бириктирилган ҳудудни айланишга чоғланди. Кўп қаватли уйлар жойлашган мавзега яқинлашганида қўлларини чўнтагига солиб, бошини бироз эгиб олганича кетаётган йигитга кўзи тушди. Дарҳол навбатчилик қисмидан олган суратни олиб қаради. Худди ўзи, машина рулини у томонга бурди. Буни кўрган кимса бирданига қоча бошлади. Инспектор ҳам машинани тезлатиб, йигитнинг олдидан кесиб чиқди. У энди кўпқаватли уйлар оралаб югурди. Бу шароитда машинада қувиш хавфли эканини хаёлидан ўтказган Ҳайдаржон уловни қолдириб, унинг ортидан яёв югура кетди. Фирибгар энди томорқалар оралаб қоча бошлади.

— Тўхта, жойингдан қимирлама! — деди Ҳайдаржон.

Аммо у тўхташни хаёлига ҳам келтирмасди. Шунда Ҳайдар ёнидан қуролини олди:

— Тўхта, отаман!

Жиноятчи инспекторнинг талаби қатъийлигини кўриб, дарҳол тўхтаб, ерга ўтириб олди...

Бу ҳикоямиз Тошкент шаҳар ИИББ ЙҲХБ ЙПХ бригадаси, 3-йўл-патруль хизмати дивизиони инспектори, сержант Ҳайдаржон Усмоновнинг иш фаолиятидан бир лавҳа.

— Йўл-патруль хизмати ходимининг иши жуда масъулиятли, — дейди шу дивизион командири Ғанишер Эгамбердиев. — Айниқса, йўл-патруль хизмати масканлари мунтазам ишлайдиган ходимлар зиммасида катта масъулият бор. Шу сабабли ҳам пойтахтимизнинг рамзий дарвозаларидан бири — «Эркин» йўл-патруль хизмати масканига Ҳайдаржон Усмоновдек масъулиятни ҳис этадиган, тажрибали ходимларимизни қўямиз.

Дарҳақиқат, республикамиз пойтахтига кириб келаётган меҳмонларнинг аксарияти шаҳарга айнан мана шу маскан орқали ўтади. Афсуски, улар орасида ноқонуний нарсаларни олиб киришга уринадиганлар, жиноят қилиб жазодан қочиб юрганлар ҳам учрайди.

— 2001 йилда бир воқеа бўлган, — дейди масканда хизмат қиладиган тажрибали ходимлардан бири Улуғбек Рустамов. — Хизматолди йўриқномасида ўғриланган «ВАЗ-2107» русумли транспорт воситаси ҳақида маълумот берилди. Барча ходимларнинг эътибори ана шу русумдаги транспорт воситаларига қаратилган. Ҳ.Усмонов ўша куни Бешёғоч майдони атрофида бурчини ўтаётган эди. Бир пайт машиналар панасида келаётган «ВАЗ-2107» автомашинасига кўзи тушиб қолади. Дарҳол ҳайдовчига тўхташ ишорасини беради. Аммо у тўхташ ўрнига тезликни ошириб, қарама-қарши йўл орқали транспорт воситаларини айланиб ўтади. Ҳайдаржон дарҳол жиноятчининг изига тушади. Уни таъқиб қилиб, қулай имконият туғилган вақтда транспорт воситасини тўхтатишга муваффақ бўлади.

Инспекторнинг маҳорати, ўз вазифасини сидқидилдан бажариши эвазига яна бир жиноят фош этилди.

— Ишимиз масъулиятли бўлиши билан бирга жуда қизиқарли ҳам, — дейди Ҳайдаржоннинг ўзи. — Ҳар хил одамлар билан суҳбатлашамиз. Кимдир шошилиб ёрдам сўраб келади. Қўлимиздан келганича кўмаклашамиз. Ишлари битгач, мамнун бўлиб миннатдорлик билдиришади. Устозларим — Эркин ака Султонов, Мавлон ака Аъзамовларнинг берган сабоқлари, дивизионимизнинг ҳозирги командири Ғанишер Эгамбердиевнинг йўл-йўриқлари, маслаҳатларига суянаман.

Дарҳақиқат, Ҳайдаржон Усмонов каби ходимларнинг маҳорати эндигина иш бошлаган ходимлар учун тажриба мактаби бўлади, албатта. Йўл-патруль хизмати ходими учун эса бундай тажриба жуда асқотади. Чунки айрим кимсалар қонун-қоидаларни бузишгани камлик қилгандай инспекторни чалғитишга, жазодан қочишга ҳаракат қилади. Ана шундай пайтда вазиятга оқилона баҳо бериш ходимнинг тажрибасига, касбий салоҳиятига бевосита боғлиқ.

Биз маскандагилар билан хайрлашиб, дивизион штабига кирдик. Ҳайдаржоннинг ишдаги натижалари билан қизиқдик. 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида Ҳ.Усмонов томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ 6 та ҳолат аниқланибди. Қоидабузарликларни аниқлаш борасидаги ишлари ҳам анча юқори. Бу эса шаҳримизнинг жанубий «дарвозаси» ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Мансуржон РИХСИЕВ

ТАҲЛИЛ

МАТБУОТНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, уларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида фаолият кўрсатиши учун давлат миқёсида зарур шароит ва имкониятлар яратилмоқда. Шу боис, оммавий ахборот воситаларининг жамиятимиз тараққиётида тутган ўрни, аҳамияти ортиб бормоқда. Эндиликда матбуот, барча соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотларнинг аҳамиятини, мазмун-моҳиятини, янги жамият қуриш йўлида эришилаётган ютуқларимизни холис ва ҳаққоний тарзда оммага етказиш имконига эга бўлди.

Фуқароларнинг ахборот олиш ва маънавий-маърифий дунёқарашини шакллантиришда оммавий ахборот воситалари, хусусан, газетанинг ўрни бўлакча. Тўғри, ахборот олишга эҳтиёжманд киши исталган пайтда интернет орқали ўзи хоҳлаган мавзуда янгилик олиши мумкин. Бу бугунги кун учун мушкул иш эмас. Интернетнинг нафақат марказий шаҳарларимиз, балки олис туманлар, қишлоқ ва овулларгача етиб борганини ҳисобга олсак унинг таъсир доираси матбуотникига нисбатан устунлигини сезамиз. Шу нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, оммани интернетдаги бўлар-бўлмас ахборотлардан, ташвиқотлардан асраш учун улар билан рақобатлаша оладиган нашрлар зиммасидаги масъулият ошса ошадики, асло камаймайди.

Олий Мажлис Қонунчилик Палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги ҳамда «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг Андижон ва Сирдарё вилоятларида ижроси қандай даражада таъминланаётгани атрофлича муҳокама қилинди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш ҳамда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ҳар икки вилоятда ҳам ОАВнинг нафақат сон жиҳатдан, балки сифат жиҳатидан ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, 1991 йилда Андижон ва Сирдарё вилоятларида фаолият юритган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 32 тани ташкил этган бўлса, жорий йилнинг бугунги ҳолатига келиб бу кўрсаткич 69 тага етган. Уларнинг 55 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани, айниқса, эътиборга моликдир.

Бугунги кунда замон ўзгаришлари бор мураккаблиги билан соҳа ходимлари олдига муҳим вазифаларни қўймоқда. Шу боис, янгиланиш жараёнларининг мазмун-моҳиятини халқимизга, кенг жамоатчиликка холисона, тезкор ва ишончли тарзда етказиш, матбуотда эълон қилинаётган материаллар таҳлилига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Бинобарин, энг долзарб, энг ўткир мавзулар, таҳлилий ва танқидий чиқишлар савиясини ошириш ҳамда уларга давлат ва ҳокимият мутасаддиларининг муносабатини шакллантириш зарур.

Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар натижасида ҳокимлик муассислигидаги «Андижоннома» газетаси 13500, «Андижанская правда» газетасига 3800, шаҳар ва туман ҳокимликлари муассислигидаги газеталарга эса, ўртача 2000-5500 нусхадан обуна ташкил этилган. Шунингдек, матбуот нашрларини тарқатувчи ташкилотларнинг шаҳар ва туманлар ҳокимликлари муассислигидаги газеталарга 2012 йилдан бошлаб 12 фоиз миқдорда ҳақ олиб хизмат кўрсатиши йўлга қўйилди. Бу ҳар бир таҳририятга йилига ўртача 2-3 миллион сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берди.

Вилоят журналистларининг маҳоратини ошириш, ёш кадрлар билан ишлаш борасида «Андижоннома» — «Андижанская правда» газеталари қошидаги «Мухбирлар мактаби»да жорий йил 20 нафар ҳаваскор мухбир ўз малакасини ошириб, улар айни вақтда оммавий ахборот воситаларида фаол ижод қилишмоқда. Вилоятнинг кўзга кўринган қалам соҳиблари «Олтин қалам», «Энг улуғ, энг азиз», «Йилнинг энг фаол журналисти», «Инсонга наф келтириш — олий бахт», «Келажак овози» каби республика миқёсидаги нуфузли ижодий танловларда совринли ўринларни қўлга киритиб келишмоқда.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари муассислигидаги таҳририятларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан манзилли режа ишлаб чиқилган. Натижада Қўрғонтепа тумани ҳокимлигининг «Қўрғонтепа ҳақиқати», Булоқбоши тумани ҳокимлигининг «Булоқбоши», Бўз тумани ҳокимлигининг «Бўз ҳаёти» газеталари янги техникалар билан таъминланди. Вилоятдаги «Андижон нашриёт-матбаа» МЧЖга Хитойдан офсет усулида рангли чоп этиш ускунаси олиб келиниб, ўрнатилди. Бундан ташқари, Асака шаҳар босмахонаси умумий қиймати 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги замонавий хорижий полиграфик дастгоҳлар билан жиҳозланди.

— Албатта, соҳани ривожлантириш мақсадида Андижон вилоятида амалга оширилган ишлар кўлами катта, бироқ соҳада ўз ечимини кутаётган муаммо ва камчиликлар ҳам етарли, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шуҳрат Деҳқонов қўмита аъзолари йиғилишида сўзлар экан. — Хусусан, даврий нашрлар фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишга қаратилган чоратадбирларни янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 35 та босма оммавий ахборот воситасининг 10 таси интернет тармоғига уланган, холос. 6 та даврий нашрнинг веб-сайти шакллантирилган бўлса-да, уларнинг фаолиятини талаб даражасида деб бўлмайди.

Газета ва матбуотнинг том маънода мустақиллигига эришиш зарур. Бунинг учун, аваламбор, уларнинг молиявий мустақиллигини таъминлаш ва барқарор ривожланиши учун зарур шарт-шароитни яратиш манбаларига эга бўлиши лозим. Маърузачининг сўзларига кўра, бу борада Андижонда талай муаммолар кўзга ташланади.

— Вилоятда ҳал этилиши лозим бўлган юмушлар бисёр. Хусусан, ҳокимликнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича мутасаддилари томонидан 2012 йил 30 июль куни қўмитага юборилган №11/19-78-сонли хатга илова қилинган маълумотномада Марҳамат ва Бўз туманлари ҳокимликлари муассислигидаги «Оқ олтин» ҳамда «Бўз ҳаёти» газеталари таҳририятлари учун бинолар масаласи ҳал этилгани маълум қилинган. Бироқ, қўмита ишчи гуруҳи томонидан жорий йилнинг 7 сентябрь куни ушбу масала жойига бориб ўрганилганида, муаммо ҳанузгача ҳал этилмагани, ҳар икки таҳририятнинг молиявий аҳволи яхшиланмагани ва муассислар бўлган Марҳамат ва Бўз тумани ҳокимликлари қўмита қарорини ижро этиш юзасидан ҳеч қандай амалий чора кўрмаганлиги аниқланди. Айниқса, Бўз тумани ҳокимлигининг «Бўз ҳаёти» газетаси иқтисодий жиҳатдан анча оғир аҳволга тушиб қолиши натижасида 1 сентябрдан ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган. Таҳририят балансидаги бино туман ҳокимининг 1994 йил июнь ойидаги қарори билан ҳеч қандай шартнома, топшириш-қабул қилиш актларисиз, ижодий жамоанинг розилигини олмасдан туман ДСЭНМ балансига ўтказиб юборилган. Бу борада таҳририят томонидан муассис ҳисобланган туман ҳокимлигига қилинган барча мурожаатлар эътиборсиз қолиб кетмоқда.

Худди шундай фикрни Улуғнор тумани ҳокимлиги муассислигидаги «Улуғнор» газетаси таҳририятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мазкур газета ҳам иқтисодий муаммолар туфайли мана, бир неча ойдирки, чоп этилмаяпти. Таҳририят ходимларига мажбурий таътил берилган. Жамоа аъзолари йил бошидан буён ойлик маошларини олганлари йўқ. Солиқ, босмахона ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик кундан-кунга ошиб бормоқда. Таҳририятни замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминлаш эса ҳали-бери туман ҳокимлиги мутасаддиларининг хаёлига ҳам келмаса керак?

Бўз тумани ҳокимлигининг «Бўз ҳаёти» газетаси иқтисодий жиҳатдан анча оғир аҳволга тушиб қолиши натижасида 1 сентябрдан ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган.

Худди шундай фикрни Улуғнор тумани ҳокимлиги муассислигидаги «Улуғнор» газетаси таҳририятига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Мазкур газета ҳам иқтисодий муаммолар туфайли мана бир неча ойдирки, чоп этилмаяпти.

Сирдарё вилоятида ҳам юқоридаги қонунлар ижросини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятда фаолият олиб бораётган «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сирдарьинская правда», шунингдек, шаҳар ва туман ҳокимликлари муассислигидаги газеталар таҳририятларнинг моддий-техник таъминотлари яхшиланган. Жумладан, Ширин шаҳар ҳокимлигининг «Ширин садоси» газетаси бугунги бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган даражада ишни ташкил этган. Шаҳар ҳокимининг қарори билан таҳририятга алоҳида бино ажратилган. Ҳар йили газета обунасига жиддий эътибор қаратиб келинади. Натижада таҳририятнинг иқтисодий аҳволи яхшиланиб, ходимлар ойлик маошлари 50 фоизга ошган. Газета эса пойтахтимиздаги «Сано-стандарт» МЧЖ босмахонасида чоп этилаяпти. Шунингдек, Сирдарё тумани ҳокимлиги муассислигидаги «Сирдарё», Боёвут тумани ҳокимлиги муассислигидаги «Нурли истиқбол» газеталари таҳририятларининг молиявий ва моддий-техник аҳволи яхшиланиб, обуна кўрсаткичлари аввалги йилларга нисбатан анча ошган.

Вилоят ҳокимлигининг бевосита ташаббуси билан «Сирдарё зарқалами», «Камол», «Ниҳол» каби танловлар ўтказилиши анъанага айланмоқда. Бу танловларда ҳар йили янги номлар кашф этилаётгани диққатга сазовордир.

— Сирдарёда ҳам соҳага оид қатор камчиликлар аниқланди. Хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида таҳририятларни замонавий ахборот-коммуникация жиҳозлари билан таъминлаш суст даражада. Мавжуд 28 та даврий нашрнинг фақат 12 таси интернет тармоғига уланган. «Сирдарё ҳақиқати» ва «Сирдарьинская правда» газеталаридан ташқари бирорта газетанинг веб-сайти яратилмаган, — дейди Шуҳрат Деҳқонов ўз маърузасида. — Сардоба тумани ҳокимлигининг «Шарафли йўл», Сайхунобод тумани ҳокимлигининг «Сайхун» газеталари умуман моддий-техник базага эга эмас. Ҳар иккала таҳририят ижарадаги бинода фаолият кўрсатади. Бир сўз билан айтганда, мазкур таҳририятларда ходимлар учун энг оддий шароитлар ҳам яратиб берилмагани жуда ачинарлидир.

Ҳар иккала вилоят газеталарида чоп этилаётган мақолалар савияси талаб даражада эмаслигини алоҳида қайд этиш зарур. Аксарият туман газеталаридаги мақолалар саёз, мавзулар етарлича очиб берилмаган. Буни йилнинг асосий мавзуларидан бири «Мустаҳкам оила йили» рукни остидаги чоп этилаётган материаллар мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Афсуски, вилоятлардаги аксарият газеталарда чоп этилаётган мақолалар «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақидаги репортажлардан иборат бўлиб қолмоқда. Бу рукн остида уқувчиларга ҳавола этилаётган материалларда журналист таҳлили ва фаоллиги сезилмайди. Мавзулар доираси тор. Ҳатто уларнинг сарлавҳалари ҳам бирбирига ўхшаш. Бир мисол: «Сайхун» газетасининг 2012 йил 25 сентябрь сонининг биринчи саҳифасидаги «Мустаҳкам оила йили» рукни эътиборимни тортди. «Бўлажак ирригаторлар, мелиораторлар ҳиммати» деб номланган мазкур мақолада Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаларининг пахта теримидаги иштироки ҳақида сўз борган. Унинг Мустаҳкам оила йилига қандай алоқаси бор? — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов йиғилишдаги маърузасида.

Йиғилишда алоҳида қайд этилганидек, ўрганишлар, таҳлиллар соҳада ҳали бажарилиши зарур бўлган вазифалар кўплигидан далолат бериб турибди. Бинобарин, муассис барча ишларни ташкил этиб бериши керак, деган ўй билан юрган таҳририят раҳбарлари ҳам орамизда йўқ эмас. Қарс икки қўлдан чиқади, деганларидек, ҳар икки томоннинг ташаббускорлиги бундай камчиликларни енгиб ўтишда асқотиши мумкин. Қаердаки раҳбар талабчан, тадбиркор бўлса, таҳририят ишини ривожлантириб, унинг моддий-техник имкониятларини яхшилаш билан бирга, газетанинг ўқишли бўлишини таъминлайди. Бундай газеталар мамлакатимизда кўп. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти вилоятларимизда фаолият кўрсатаяпти. Аксинча, муассис қачон пул берар экан, деб қўл қовуштириб ўтирган ОАВ раҳбарлари эса ўз обуначиларидан айрилиб қолишлари ҳеч гап эмас.

Шу ўринда мақоламиз аввалида таъкидлаганимиздек, замон шитоби ОАВ зиммасига юклатилаётган вазифалар кўлами соҳа ходимларидан, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари мутасаддиларидан масалага уйғоқ шуур, зийраклик ва матонат билан муносабатда бўлишини талаб этади. Бу талаб жамият тараққиёти билан чамбарчас боғлиқлиги билан ҳам муҳимдир.

Зеъро, матбуотнинг каттакичиги бўлмайди.

Жобир ХЎЖАҚУЛОВ,
"Hurriyat" мухбири



Жамоатчилик назорати — ОАВ иштирокида

(Бошланиши 1-бетда.)

Шу ўринда ушбу мақсадга эришишда давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ахборот хизматларининг аҳамияти катта эканини таъкидлаш жоиз. Айнан улар орқали ОАВ билан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасидаги алоқалар йўлга қўйилиб, журналистга ахборотни ишончли ва тезкор олишда кенг имкониятлар яратилаётир. Шунингдек, бу борада давлат органлари ўз веб-сайтларига эга эканлиги қалам аҳлига ахборот олиш, расмий материаллар билан танишиш имконини бермоқда. Бундай веб-сайтлар сони кундан-кунга ошиб бораётгани қувонарли, албатта. Хусусан, «Uz» домени зонасидаги веб-сайтлар сони бугунга келиб 12 мингтага етганлиги мазкур масалада ишлар нечоғли даражада йўлга қўйилаётганидан далолат беради.

Бир қарашда матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритишлари учун яратилган имкониятлар кўлами кенг туюлса-да, ҳали соҳада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Жумладан, бугунги сиёсий модернизация жараёнлари, демократик ислоҳотларнинг ҳозирги босқичи ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни талаб этмоқда. Зеро, аҳоли ва кенг жамоатчилик Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис палаталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинаётган қонунлар ва қарорлар, аввалambор, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ ҳужжатлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали хабардор бўлиб бориши, жамият ҳаётида фаол бўлиши, давлат бошқарувида бевосита ёки билвосита иштирок этиши фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим негизи ҳисобланади. Бунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини, ҳокимият билан жамоатчилик ўртасидаги узвий алоқани таъминлашда ОАВ ролини янада кучайтириш, шунингдек, давлат ва жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ахборот хизматлари фаолиятини фаоллаштириш катта аҳамият касб этади.

Давра суҳбати иштирокчилари мавзудан келиб чиқиб, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлашда ОАВнинг ролини оширишнинг ҳуқуқий асослари", "Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда жамоатчилик назорати", "Жамоатчилик назоратини амалга оширишда ОАВнинг фаоллигини кучайтириш масалалари" юзасидан қилинган маърузалар борасида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзолари, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари миллий кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳузуридаги ижодий кенгаш аъзолари, ОАВ раҳбарлари, журналистлар, Ўзбекистон Миллий университети журналистика ҳамда Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факультетлари профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар иштирок этдилар.

Зулхумор ТЎРАЕВА,
ЎзМУ талабаси

ТИЛ МАДАНИЯТИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Журналистлар, ҳеч шубҳасиз, жамиятимизнинг илғор фикрли, жонкуяр, фаол вакилларидир. Уларнинг қуроли эса – сўз. Сўзни ўринли қўллаш, имло, стилистик хатоларга йўл қўймаслик, адабий тил меъёрларига риоя қилиш журналистиканинг асосий шартлари ҳисобланади.

Бугун замон шиддати жуда юқори. Журналистларга қўйилаётган талаблар ҳам шунга яраша катта. Албатта, иқтидорли журналистлар бу талабларга жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Шунга қарамай, адабий тил меъёрларига риоя қилмаслик миллий журналистикамиз муаммоларидан бири бўлиб қолаётир.

Матбуотда кўп марта танқидий муносабат билдирилганига қарамай, афсуски, айрим кўнгилочар кўрсатувлар бошловчилари орасида адабий тил меъёрларини бузиш ҳоллари ҳамон давом этмоқда. Тўғри, шевалар она тилимизнинг ранг-баранглигини, жозибасини кўрсатадиган кўзгу, тилимиз бойлиги. Ҳамонки, бошловчи омманинг олдида чиқиб гапираяптими, умумқабул қилинган тил меъёрларига амал қилиши лозим. Чунки журналист нафақат ахборот тарқатади, балки аудиториянинг тарбияси ва дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатади. Буни ҳамкасбларимиз чуқур ҳис этиши зарур. Айниқса, актёр ёки хонандалар кўрсатувга бошловчилик қилганда талабни янада кучайтириш керак, назаримда.

Аксарият реклама роликлари ёки телеанонсларда томошабинга сенсираб мурожаат қилиш одатий ҳолга айланиб бормоқда.Телевизорни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган инсонлар кўришини назарда тутсак, миллий қадриятларимизга ёт бундай ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Информацион ва ахборот-таҳлил кўрсатувларининг бошловчилари баъзан сўзларни бузиб, шошма-шошарлик билан талаффуз қилишади. Айниқса, соҳага ёш журналистларни жалб этаётганда уларнинг сўз қудратини етарлича ҳис қилишига эътибор қаратиш лозим.

Яна бир оғриқли масала рекламалар билан боғлиқ. Рекламанинг тижорий вазифасидан ташқари, маънавий-тарбиявий жиҳатлари ҳам борлигини унутмайлик. Рекламаларни асосан болалар қизиқиб томоша қилишади. Масалан, "пиковит" витамини ҳақидаги рекламани эслаб кўринг: "Расм чизмоқчимисан, буни диван орқасида амалга ошир", дейилади унда. Ёш бола бу рекламани кўргач, ўша лавҳадаги тенгдошига тақлидан уйининг деворларига расм чизмайди, деб ким кафолат бера олади. Ахир бу бир оиланинг уйига, мактаб ёки боғчага, кўча деворларига зарар етказишга олиб келиши мумкин-ку. Рекламалардаги нўноқ таржималарни-ку айтмай қўя қолайлик. Бу борада ҳам тележурналистларимиз ҳушёр бўлишса, нур устига аъло нур бўлар эди.

Мақоллар халқимизнинг донишмандлиги ва ижодкорлигини, шунингдек, тилимизнинг жозибаси, жарангдорлиги ҳамда имкониятларини намоён этадиган кўзгу. Афсуски, баъзан асрлар синовидан ўтиб келаётган айрим мақолларни бузиб талқин этиш ҳоллари учрамоқда. «Устоз — отангдан улуғ» мақолини айрим давраларда, ҳатто нуфузли матбуот нашрларида, телерадиодастурларда «Устоз — отангдек улуғ» тарзида ёзиш, айтиш ҳоллари учрамоқда. Ҳолбуки, 2003 йилда «Шарқ» нашриёти томонидан чоп этилган, адабиётшунос олим Тўра Мирзаев томонидан сўзбоши ёзилган катта ҳажмли «Ўзбек халқ мақоллари» китобининг 237-бетида юқоридаги мақол «Устоз — отангдан улуғ» тарзида берилган. Тўра Мирзаев сўзбошисида ҳам мазкур мақол «Устоз — отангдан улуғ» эканлигини уқтириб ўтган. Бизнингча ҳам мақолни бошқача талқин этишга ҳеч қандай ҳожат йўқ. Зотан, инсоннинг биринчи устози унинг ота-онасидир. Қолаверса, мақолларда баъзида муболаға санъатидан фойдаланиладики, бунда ҳам маъно, ҳам таъкид янада кучаяди.

Радиожурналистикамизда ҳам юқоридагиларга ўхшаш муаммолар мавжуд. Айрим хусусий станциялар радиобошловчилари соатлаб бидирлаб, шевада, баъзида ҳатто жаргон-(кўча тили)да гапириб тингловчини дам олдириш ўрнига толиқтириб қўяди. Айниқса, хусусий радиоканалларнинг асосий тингловчилари ҳали маънан шаклланиб улгурмаган ёшлар эканини ҳисобга олсак, муаммонинг нечоғли мураккаб эканлигини англаш қийин эмас.

Интернет журналистика соҳанинг энг кенжа тури. Интернет аудиториясининг салмоқли қисми ёшлар экани эътиборга олинса, бу борадаги айрим муаммоларни ҳал этишни пайсалга солиб бўлмайди. Хусусан, ўзбек тилидаги сайтларга жойлаштирилувчи матнларда имло ва услубий хатолар тез-тез такрорланяпти. Қолаверса, сайтлардаги форум хизмати орқали бирор машҳур инсонга ёки ҳодисага муносабат билдирганда куракда турмайдиган сўзларни қўллаш, кимгадир лақаб қўйиш, ҳақоратлаш ҳоллари учрамоқда. Шу боис интернет маконида муҳаррирлик фаолиятини кучайтириш, жойлаштирилаётган маълумотларнинг савиясига эътибор қаратиш ниҳоятда долзарб бўлиб турибди.

Юқорида сўз журналистнинг асосий қуроли, деб таъкидлагандик. Ўз навбатида, миллат ғурури бўлмиш она тилимизнинг тоза, софлигини сақлаш масъулияти кўпроқ шу касб эгалари зиммасига тушади.

Лазизжон БАХРАНОВ

ДАРАКЛАР

ПОЛИЦИЯЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

Косово жанубидаги Печ шаҳри ҳудудий полиция бошқармасининг ашёвий далиллар сақланадиган омборхонасидан 40 килограмм оғирликдаги олтин ўғирланган.

Қизиғи шундаки, жиноятга маҳаллий полициячи бошчилик қилган. ИТАР-ТАСС ахборот агентлиги тарқатган маълумотларда айтилишича, махсус қидирув операцияси натижасида ҳозирча исм-шарифи сир сақланаётган полиция лейтенанти ҳамда уч нафар фуқаро қўлга олинган. Жиноятчилар уйидан 13 килограмм тоза олтин қуймаси ва 27 килограмм қимматбаҳо заргарлик буюмлари топилган. Мамлакат ОАВ ўз касбига хиёнат қилган қонун посбонига нисбатан "олтин полициячи" деган лақабни қўйиб улгурди.

Ҳозирча жиноятчиларга қандай жазо қўлланилиши ҳақида маълумотлар йўқ.

АНТИҚА ҚУРИЛМА

Япония ОАВ тарқатган маълумотларга қараганда, Киото шаҳрида маҳаллий ATR компанияси олимлари томонидан хаёл қилиш ва ўйлаш орқали предметларни жойдан-жойга кўчириш имконини берадиган аппарат кашф қилинди.

Бош кийими — сим ва сенсорлардан иборат қурилма қон босимидаги ўзгариш ва бош мия импульсларини тезда илғаб олади ва маълум бир предметни ҳаракатга келтиради. Тажрибалар чоғида киши жойидан қимирламай туриб, ўй кучи таъсирида ногиронлар аравачасини керакли жойга йўналтириш, пардани очиш, телевизор ва чироқларни ўчириб-ёқишнинг уддасидан чиқди.

Айни дамда ўйланган ишнинг амалга ошиши учун 6-12 сония вақт кетмоқда. Ихтирочилар уч йилдан сўнг ушбу натижани бир сониягача қисқартиришмоқчи. Буйруқларнинг аниқ бажарилиши 70-80 фоизни ташкил этади. Имконияти чекланган кишилар, бир ўзи яшайдиган қариялар ҳаётини яхшилашга мўлжалланган мазкур қурилмани 2020 йилга қадар ишлаб чиқариш режалаштирилган.

ФИЛ ГАПИРДИ

Кошек лақабли фил ўта ноёб қобилиятга эга эканини исботлади. У чиқараётган товушлар корейс тилидаги "салом" (annyong), "ўтиринг" (anja), "йўқ" (aniya), "ётинг" (nuo) ҳамда "яхши" (choah) деган сўзларни англатмоқда.



Мутахассислар ҳам бу ҳолатга аниқ изоҳ бера олишмаяпти. Чунки филларда лаб ўрнига узун овоз трактига эга хартум ҳамда ҳиқилдоқнинг катталиги товушларининг пастлигига сабаб бўлади. Хуллас, филлар ҳеч қайси жиҳати билан инсон товушини чиқаришга қодир эмас. Аммо жонивор бу товушларни ноодатий тарзда, яъни хартумини оғзига солган ҳолда талаффуз қилаётгани янада ҳайратланарлидир.

ДЕНГИЗ СУВ ЎТЛАРИДАН ЁҚИЛҒИ

Мичиган университети олимлари денгиз сув ўтларидан ёқилғи тайёрлашнинг энг самарали йўлини излаб топишди.

АҚШ илмий тадқиқот фонди берган маълумотларга қараганда, хомашёни ёқилғига айлантириш учун атиги бир дақиқа вақт кифоя экан. Фил Сейвижнинг кимё-муҳандислик лабораториясида сувдаги микроорганизмлардан нефть хомашёсини ишлаб чиқаришга қаратилган қатор тажрибалар ўз самарасини берди. Олимлар хомашё сифатида наннохлоропсис номли бир ҳужайрали денгиз ўтларидан фойдаланишди. Аввалига олимлар ёқилғи хомашёсини олиш учун сув ўтларига бир ярим соат давомида юқори ҳароратда, кейинчалик эса цельсий бўйича 300 даража ҳароратда ишлов беришди. Бунинг учун 10-40 дақиқа вақт сарфланди. Шундан сўнг олимлар сув ўтларини пўлат контейнерларга ортиб, 600 даражагача қиздирилган қум билан кўмишди. Буни қарангки, бир дақиқа ичида сув ўтлари ёқилғи маҳсулотига айланиб улгурди.

ОМАДЛИ КАШАНДА

"Интерфакс-Дальний Восток" агентлиги тарқатган маълумотларга қараганда Россиянинг Владивосток шаҳрида ўз деразаси олдида тамаки чекишга одатланган эркак кутилмаганда 20-қаватдан тушиб кетиб... тирик қолди.

Полициячилар "воқеа қаҳрамони"нинг қариндош-уруғ ва қўни-қўшниларини сўроқ қилиб, у ўз жонига қасд қилишга уринмаганини, мазкур ҳодиса эҳтиётсизлик сабаб юзага келганини аниқлашди. Жабрланувчи юқори қаватдан айнан енгил машина устига келиб тушгани боис, тирик қолган бўлса-да, бир неча жойидан жароҳат олган.

ҲИНДИСТОНДА ТАБИИЙ ОФАТ

Ҳиндистоннинг Андхра-Прадеш штатида кучли циклон сабаб ёмғирнинг шаррос қуйиши натижасида 20 дан ортиқ одам ҳалок бўлди. Бир неча ўнлаб киши бедарак йўқолди. Бу ҳақда ВВС ахборот агентлиги хабар берди.

Синоптикларнинг маълум қилишларича, яқин икки кун ичида мамлакатнинг бир неча ҳудудларида ана шундай шиддатли ёмғир ёғади. Сўнгги пайтларда мазкур ҳудудларда обҳавонинг ноқулай келиши одатий ҳолга айланиб қолди. Ўтган ҳафтада ҳам бу ерларга "Нилам" номини олган циклон катта талафот етказган, соатига 100 километр тезликда эсган шамол ўнлаб кишилар ҳаётига зомин бўлганди.

Интернет хабарлари асосида Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

ТАБИАТ ОГОҲЛАНТИРИШЛАРИ

29 октябрь куни АҚШнинг шарқий қирғоғига ёпирилган «Сэнди» тўфони Нью-Йорк ва унга туташ шаҳарларни буткул карахт аҳволга солиб қўйди. Кучли ёғингарчилик, тўфон ва қарийб 13 футлик сув тошқини транспорт-коммуникация тизимларини мутлақо издан чиқариб юборди.

Тўфондан сўнг Нью-Йорк ва бошқа шаҳарларнинг одатий ҳаёт тартибига тушиб кетиши қийин кечмоқда. Мамлакатнинг шарқий ҳудудларида 3,5 миллион уй ва бинолар, Нью-Йоркнинг ўзида 1,2 миллион турар жой электр энергиясиз қолган. Табиий офат туфайли мамлакат авиация қатнови бузилган, 18 мингдан ортиқ парвозлар бекор қилинган. Шаҳар ҳокими Майкл Блумбергнинг айтишича, жамоат транспорти қисман йўлга қўйилган, бироқ метро ҳаракати қачон бошланиши номаълум.

Тўфон келтирган зарарни қоплаш учун 40 миллиард доллар керак бўлиши айтилмоқда. Бироқ бу 2005 йилдаги «Катрина» тўфони зарардан анча кам. Маълумки, ўшанда АҚШ ҳукумати 100 миллиард доллар сарфлашига тўғри келган эди.

Олимларнинг фикрича, кейинги пайтларда табиий офатлар борган сари қўрқинчли тус олмоқда ва бу табиатнинг инсониятни бўлғуси офатлардан огоҳлантираётганининг белгиси ҳисобланади. Куни кеча Венецияда юз берган сув тошқинлари, Филиппинга ёпирилган кучли довул ҳам табиий офатлар кўлами ва миқёси кенгайиб бораётганининг яққол исботидир.

Дарҳақиқат, XXI асрнинг энг чигал муаммоси — глобал иқлим ўзгаришлари инсониятнинг экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазасига алоҳида эътибор қаратишини тақозо этмоқда. Чунки табиий ва минерал хомашё захираларидан нооқилона фойдаланиш, экологияга зид бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келаётир. Шунинг учун ҳам халқаро кузатувчилар кейинги йилларда мазкур муаммонинг янада кескинлашганини таъкидлай бошладилар.

Бир сўз билан айтганда, экологик вазият башариятнинг умумий муаммосига айланди. Буни сезмаслик, қўл қовуштириб ўтириш эса ўзини ўзи ўлимга маҳкум этиш билан баробар. Афсуски, ҳали кўплаб давлатлар бу муаммога бепарво муносабатда бўлмоқда.

Она сайёрамизда экологик мувозанатнинг тобора издан чиқаётгани тузли ёмғирлар, атмосфера ифлосланиши, озон қатлами бузилиши ва бошқа офатларни келтириб чиқармоқда. Натижада бутун дунёда экологик муҳитнинг ёмонлашуви билан боғлиқ турли-туман касалликлар сони ортиб бораяпти. Шунинг учун ҳам соҳа мутахассислари, агар олди олинмаса, глобал иқлим ўзгаришлари туфайли биринчи навбатда Ғарбий ярим шар, Яқин Шарқ, Африка, Осиёнинг катта қисми, Жанубий Европа ва Австралиянинг жиддий ижтимоий муаммолар гирдобида қолажагини таъкидламоқдалар.

Тан олиш керак: экологик хавфсизликни таъминлаш, глобал иқлим ўзгаришининг олдини олиш масалалари инсоният олдида турган энг нозик, таъбир жоиз бўлса, ҳаётмамот масаласига айланиб бўлди. Халқаро миқёсдаги йирик тадбирларнинг асосан ана шу муаммоларга бағишланаётганининг ўзиёқ муаммонинг нақадар долзарблигини кўрсатмоқда. Аксарият мутахассислар Ер сайёрасининг экотизими емирилиш арафасида турганини эътироф этиб, агар зудлик билан етарли чоралар кўрилмаса, дунё аввал кузатилмаган кенг миқёсли қурғоқчилик ва сув тошқинлари, вайронакор довуллар, юқумли касалликлар, ҳарбий можаролар ва мисли сиз миграция таҳдидларига дучор бўлиши мумкинлигини ботбот такрорлай бошладилар.

Глобал иқлим исиши — инсониятни хавотирга солаётган асосий сабаблардан бири. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, Ер ва жаҳон океани атмосферасидаги йиллик ўртача ҳаво ҳароратининг аста-секин кўтарилиб боришига очиқ электр станциялари, автомобиль тутунлари, завод қувурлари ва бошқа ифлослантирувчи манбалар ҳаво бўшлиғига йилига 22 миллиард тоннага яқин зарарли газларнинг чиқарилиши сабаб бўлмоқда. Чорвачилик, ўғитдан фойдаланиш, кўмир ёқилиши ва бошқа манбалар эса йилига 250 миллион тонна метан газини ҳосил қилаяпти. Энг ачинарлиси, инсоният томонидан ҳавога чиқариб ташланаётган барча иссиқлик газларининг ярмига яқини атмосферада қолиб кетмоқда.

БМТ ҳузуридаги иқлим ўзгаришларини ўрганувчи ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи маърузасида қайд этилишича, XXI аср охирига бориб Ердаги ўртача ҳарорат одатдагидан 6,4 даража юқори бўлади.

Рақамларга кўз ташласак, Ер курраси аҳолисининг ярмидан кўпроғи (4,4 миллиард киши) чучук сув етишмайдиган ва қурғоқчилик ҳукм сураётган ҳудудларда яшамоқда. Биргина Австралияда суғориладиган ерларнинг 50 фоизи экин экишга яроқсиз ҳолга келган. Ноорганик минерал ўғитлар, гербицидлар ва пестицидлар энг юқори нормалардан ҳатто ўнлаб баробар ортиқ миқдорда фойдаланилган сайёрамизнинг бошқа ҳудудларида эса вазият бундан-да оғир. Улар тупроқни, дарё, кўл, ер ости ва ичимлик сувларни ифлослантирмоқда. Бундан ташқари, янги ерлардан фойдаланишда зарур технологияларга риоя қилинмаяпти. Тупроқ таркибидаги намлик даражаси ҳам ортаяпти. Бу эса унинг қайта шўрланишига олиб келмоқда. Турли кимёвий воситалар, зарарли моддалар ва минерал ўғитларни, саноат ва қурилиш материалларини сақлаш, ташиш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг кўпол равишда бузилиши ҳам ернинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда.

Аҳоли сонининг кўпайиши ва сувга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, янги ерларни жадал ўзлаштириш, суғорма деҳқончиликни ривожлантириш энг янги тарихдаги йирик глобал экологик ҳалокатлардан бирининг содир бўлишига — сайёрамиздаги энг ноёб сув ҳавзаларидан бири — Оролнинг қуришига олиб келгани ҳеч кимга сир эмас, албатта.

Сўнгги эллик йил ичида Орол денгизи акваторияси сатҳи 4 баробардан кўпроққа қисқарди, сув ҳажми 10 маротаба камайди, унинг минераллашуви эса худди шу миқдорда ошди. Экологик хавф доимий тус олиб, мавжуд ҳудуд ва маҳаллий аҳолининг турмуш фаровонлиги ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Марказий Осиё давлатларига сафари чоғида Мўйноқдаги «кемалар қабристони»ни ўз кўзи билан кўрган БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг экологик муаммоларни ечишда ҳамкорликни кучайтиришга чақиргани бежиз эмас.

Хуллас, экологик хавфсизлик ва глобал иқлим исиши муаммоси дунёнинг ҳеч бир давлати ёки халқига бегона эмас. Бир жойда рўй берган табиий офат эртага бошқа давлатга етиб бормаслигига ҳам кафолат йўқ. Орол денгизининг қуриб бориши, жаҳон океанларидаги ҳароратнинг ўзгариши ва Антарктида музликларининг эриши дунёнинг бошқа мамлакатларида акс-садо бераётганига бугун жаҳоннинг нариги бир чеккасида содир бўлаётган табиий офатлар орқали гувоҳ бўлиб турибмиз. Шундай экан, бирон-бир мамлакат ёки халқнинг она-табиатни асраб-авайлашдек савобли ишдан четда туришга ҳаққи йўқ. Акс ҳолда, табиат биздан аёвсиз ўч олиши мумкин.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 7 декабрь соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Урганч шаҳар, Ж.Мангуберди кўчаси, 95-уйда жойлашган **Хоразм вилоят Давлат Божхона бошқармаси**га қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1996 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 90 509 САА, бошланғич баҳоси 6 755 000 сўм, 1996 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 90 512 САА, бошланғич баҳоси 6 755 000 сўм, 1997 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 90 511 САА, бошланғич баҳоси 7 599 000 сўм, 1997 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 90 525 САА, бошланғич баҳоси 7 599 000 сўм.

2012 йил 7 декабрь соат 12:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Урганч шаҳар, Ал-Хоразмий кўчаси, 93-уйда жойлашган **Хоразм вилояти Статистика бошқармаси**га қарашли 1993 й. и/ч "М-21412" русумли, д/р 22 АЕ 646, бошланғич баҳоси 474 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Мазкур автотранспорт воситаси биринчи савдо кунида, яъни 2012 йил 7 декабрь кунида сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг жума кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аукцион савдоси ғолиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорида комиссион йиғим тўланади. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (йигирма) иш куни ичида сотувчи билан транспорт воситаси олди-сотди шартномаси тузади. Талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш кунларидан ташқари) соат 9:00 дан 18:00 гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдолари Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолаб, объект бошланғич баҳосининг 50 (эллик) фоизидан кам бўлмаган миқдорда «Universal Auktsion Invest» масъулияти чекланган жамияти Хоразм вилояти филиалининг Урганч шаҳар АИТБ "Ипотека банк" Тинчлик филиалининг, МФО 00580, ИНН 302083379, 2020 8000 5049 3216 8008 ҳисоб рақамига закалат пулини тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уй. Тел: (8362) 226-96-36.

"Universal Auktsion invest" МЧЖ Марказий идора очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2012 йил 11 декабрь куни соат 11:00 да ўтказиладиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.06.2012 йил № 1-83/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Numizmatika" МЧЖга қарашли жарима майдонида сақланаётган, 2005 й. и/ч "Нексия" русумли, д/р 30 О 8131, ранги оқ, бошланғич баҳоси 8 414 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Юқоридаги мулк билан тегишли СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Мазкур автотранспорт воситаси 2012 йил 11 декабрда савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йилнинг 26 декабрь куни бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00гача қуйида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 1 (бир) кун олдин соат 11:00 да тўхтатилади. Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 15-уйда ўтказилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Universal Auktsion invest" МЧЖнинг ХОАТБ "InfinBANK" МФО: 01041, ИНН: 302083379, 20208000304932168001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати. Тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган бўлиши шарт. Ихтиёрий қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

Қўшимча маълумот олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истиқбол кўча, 15-уй. Тел: (+99371) 236-74-67.

Гувоҳнома № 004059

КЕЧИНМА

Касб танлаш осонми?

Бекатда ёнимдаги икки ўсмирнинг ўзаро суҳбати эътиборимни тортди:

– Дадам катта бўлсанг мен бошлаган бизнесни давом эттирасан, деяптилар. Ойим эса нуқул «врачлар авлодиданмиз, врач бўлганинг маъқул» дейдилар.

– Ўзинг-чи?

– Менга қолса иккисиниям танламасдим. Яна билмадим...

«Яна билмадим...» Ўн бешўн олти яшар боланинг ўз келажаги ҳақидаги бу «қарори» мени ўйлантириб қўйди. У ер-бу ерда касбни нотўғри танлаганидан кўнгли хижил бўлиб юрган катта ёшдаги одамларнинг: «Шу ишимнинг ўрнига бошқасини танлаганимда бугун бунчалар қийналмасмидим?» деган пушаймонона гаплари қулоғим остида жаранглайверади...

Мактабни эндигина битирган ўқувчини кичик сўқмоқдан катта йўлга чиқиб, қаёққа боришини билмай турган йўловчига ўхшатаман. Албатта, ҳаёт йўлларининг гоҳ равон, гоҳида кескин бурилишларию, чорраҳалари бисёр. Бу йўл қаршисида ҳар қандай ўсмирнинг ҳам бир оз иккиланиши, чўчиши табиий. Касб-ҳунар танлаш эса улар учун катта йўл бошидаги илк мустақил қарор бўлади.

Келгуси ҳаётининг қандай кечиши ҳар бир йигит-қизнинг биринчи маслаҳатгўйи ота-онаси бўлади. Улар ўз жигаргўшаларига ҳеч қачон ёмонликни соғинмасликлари кўп марта синовдан ўтган ҳақиқат. Шу боис, ота-оналар боланинг келажаги хусусида унинг ўзидан ҳам кўпроқ қайғуришади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда ота-она фарзандининг ўз касблари бўйича ўқиш ёки ишлашларини исташар. Аммо, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айрим болаларда ота-боболари касбига нафақат қизиқиш, балки лаёқат ҳам бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда болани ўзи қизиқмаган касб-ҳунарни ўрганишга мажбурлаш ноўрин. Чунки қистов ёки доимий уқтириш оқибатида бола ўзига ёқмаган соҳада ишлай бошласа, кейинчалик унинг фаолиятида сусткашлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик юзага келади.

— Кўпинча болани касбга йўналтиришга мактабни битириш арафасида киришилади, — дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси Зуҳра Сирожиддинова. — Ваҳоланки, бу ишга бола ўз(«мен»)ини англай бошлайдиган пайтданоқ киришиш мақсадга мувофиқ. Болада «мен»ини англашнинг бошланиши эса унинг 1,5-3 ёшли даврига тўғри келади. У бу пайтда мустақил овқатланишга, кийимларини ўзи кийишга ёки нарсаларини ўзи кўтариб юришга интилади. Ана шу даврдан бошлаб болада муайян бир соҳага мойиллик сезила бошлайди. Агар ота-она эътиборлироқ бўлса, фарзандидаги лаёқат, иқтидорнинг илк куртакларини ўша даврдаёқ пайқай олади.

Дарҳақиқат, касб танланаётганда ҳар бир йигит-қизнинг биринчи маслаҳатгўйи ота-онаси бўлади. Улар ўз жигаргўшаларига ҳеч қачон ёмонликни соғинмасликлари кўп марта синовдан ўтган ҳақиқат. Шу боис, ота-оналар боланинг келажаги хусусида унинг ўзидан ҳам кўпроқ қайғуришади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам кўп ҳолларда ота-она фарзандининг ўз касблари бўйича ўқиш ёки ишлашларини исташар. Аммо, шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, айрим болаларда ота-боболари касбига нафақат қизиқиш, балки лаёқат ҳам бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатда болани ўзи қизиқмаган касб-ҳунарни ўрганишга мажбурлаш ноўрин. Чунки қистов ёки доимий уқтириш оқибатида бола ўзига ёқмаган соҳада ишлай бошласа, кейинчалик унинг фаолиятида сусткашлик, масъулиятсизлик, лоқайдлик юзага келади.

Руҳшунослар бола бировнинг фикрига таяниб ёки соҳанинг моддий жиҳатларига қизиқиб касб танласа, бу унга келажакда қимматга тушиши мумкинлиги хусусида огоҳлантирадилар. Айнан шу масалани тадқиқ этиш мақсадида интернет-форумларда сўров ўтказишган. Сўров-анкетага, жумладан, қуйидаги мазмундаги савол киритилган: «Ишингиздаги ижобий жиҳатларни муҳимлигига кўра бирма-бир санаб ўтинг». Бунга аниқлик киритиш учун анкетада ўн тўртта мезон таклиф этилган. Берилган жавоблардан аён бўлишича, касбга бўлган қизиқиш иш фаолиятининг ижобий жиҳатлари ичида энг биринчиси ҳисобланар экан. Ундан кейинги ўринларда бажарилаётган ишидан қониқиш ҳосил қилиш, жамоанинг аҳиллиги турса, юқори маош ва яхши ижтимоий ёрдам кабилар фаолиятдаги ижобий жиҳатларнинг навбатдаги муҳим белгилари саналган. Бундан кўринадики, касбдан қониқиш ҳамда бажонидил меҳнат қилишдан олинадиган маънавий ҳузур бошқаларидан юқори ўринда.

...Университетнинг биринчи курсида ўқиётганимизда бир ўқитувчимизнинг: «Бу соҳага адашиб кирганлар борми ораларингизда?», — деган саволи энди талабаликка қабул қилинган биз ёшларни ҳайрон қолдирганди. Ўтирганлардан садо чиқмагач, домла гапини давом эттириб: «Агар шундайлар бўлса, мен уларга астойдил ачинаман. Ҳали ҳам ўз соҳаларини топишлари учун вақт борлигини айтиб қўяй,» — деганди. Ўшанда бу гапдан бироз ажаблангандим. Лекин кейинчалик ўзини у соҳадан бу соҳага уриб, бирор натижага эришолмаётган, ҳалиҳамон ўзининг нима қилаётганини аниқ билолмаётган айрим тенгдошларимни кўрсам, устозимнинг ҳақ эканига амин бўламан.

Моҳира ОТАБОЕВА
"Hurriyat" мухбири

ЯХШИЛАР ЁДИ

ДАДА

Халқаро истеъмолда «феномен» деган сўз бор. Буни «истеъдод мўъжизаси» дейиш ўринлими ёки «илоҳий неъмат» деган тузукми, ҳар ҳолда, Эргаш ака ана шундай феномен соҳиби эди. Шу боис, Эргаш Каримовнинг ўзига хослиги замони келиб кўпгина таҳлилий, маърифий тадқиқотларга сабаб бўлишига имоним комил.

Баъзан ўйлаб қоламан: Ўзбекистонда комик актёрлар кўп. Аммо нега ўша актёрларнинг аксарияти ўзларига берилган ролларни Эргаш ака каби қиёмига етказиб ўйнолмади? Ҳозир ҳам ўйнай олмаяпти! Хўш, нега? Гап боя таъкидлаганимиздек, Эргаш Каримовнинг "феномен"ида бўлса, ажаб эмас.

...Эргаш ака билан ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари ўртасида танишганман. У пайтлар республика радиосида "Кулфак" (кулгу факультети) деган эшиттириш очгандик. Унинг бошловчилигига элга анча танилиб қолган Эргаш Каримовни таклиф қилдик. Келди. Жуссаси кичикроқ, ним табассум қилиб, тортиниб турадиган хушкомат йигит эди ўша кезларда. Ёнида жуфти ҳалоли Розия Каримова ҳам бор эди.

Шундай қилиб, иш бошланиб кетди. Эргаш ака Хусан Шарипов, Бахтиёр Ихтиёров, Ҳасан Йўлдошев, Садир Зиёвуддинов сингари сафдошлари билан бир неча ой "Табассум", "Шанба оқшоми" каби ҳажвий-юмористик эшиттиришларни яшнатиб турди.

Бу орада ўша пайтларда элга машҳур бўлган "Телеминиатюралар театри" ташкил этилди. Ана шундан кейин Эргаш Каримовнинг актёрлик ва режиссёрлик истеъдоди бор бўй-басти билан намоён бўлди. Бу театр гўё Эргаш аканинг санъаткор сифатидаги салоҳиятини, вужудида яшириниб ётган фазлу камолини очди-қўйди. Шу театр боис, Эргаш Каримов ўзи тенги комик актёрлар орасида дарғага айланди. Эллик йилга яқин телеэкран ва радио тўлқинлари орқали халққа рост гапни айтди, одамларнинг димоғини чоғ қилди. Бугунгача бирор инсон Эргаш Каримов ўйнаган ролларни санаб саноғига етган эмас. Аммо бир нарса аниқ: Ўзбекистоннинг кулгу дарғаси мухлислари қалбига абадий муҳрланиб қолди.

Кўпинча бирор машҳур кишига баҳо берилганда одамлар "Бу кишининг бир юзи оқ, бир юзи қора" дейишади. Бу ўша одамнинг халқ олдидаги хизматлари юқори баҳога лойиқ, аммо одамгарчилиги бундайроқ, деган маънони билдиради. Шу нуқтаи назардан қаралса, Эргаш аканинг иккала юзи ҳам оқ эди. Бунга ўзим бир неча бор гувоҳ бўлганман. Бу инсон ишга ҳар куни барвақт келар, ишхонамиз эшигини очганича газета ўқиб ўтирарди. У айрим эринчоқ ёки лоқайд актёрлардан фарқли ўлароқ, кўп ўқирди. Қачон қараманг, қўлтиғида бир даста газета ёхуд янги чиққан китоб бўларди.

Эргаш ака кибрдан, манманликдан жуда йироқ инсон эди. Танишми, бегонами, бирор илтимос билан олдига келган одамнинг норизо бўлиб кетганини ҳеч ҳам кўрмаганман. Ишларини йиғиштириб қўйиб, келган одамни етаклаб йўлга тушарди. Шу алфозда бировни "прописка" қилган, бировни ишга жойлаган, қоидабузар ҳайдовчининг "права"сини олиб берган ёки қўли калта одамларнинг тўйини ўтказишга кўмаклашган...

Биз, унинг яқинлари: "Эргаш ака, намунча ўзингизни ўтга-чўққа урмасангиз", десак: "Э, биродарлар, одамнинг юзи иссиқ. Олдингда мунғайиб турган одамга қандай «йўқ» дейсан?" деб кулардик. У ўзининг эл аро машҳурлигидан шахсий муаммоларини ҳал этишда бирор марта ҳам фойдаланган эмас. Сўзимнинг исботи учун бир воқеани келтириб ўтаман.

Анча йиллар илгари Сурхондарёга сафар қилгандик. Ўшанда вилоятнинг энг чекка тумани — Сариосиёга бордик. Жамоа хўжаликларида, маҳаллаларда учрашувлар ўтказдик. Қаерга борсак, Эргаш акани қарсаклар билан кутиб олишарди. Туман раҳбарлари «...Бизнинг Сунбултоғни ҳам кўриб кетинглар», — деб Сангардак деган жойга олиб чиқишди. Сангардак ойнакўз булоқлар, минг йиллик арчазорлар, шарқироқ зилол сувлар макони экан. Шу боис, Сунбултоғ бизни лол қолдирди. Тиниқ сув қирқ-эллик метрли қояли тоғдан худди жўмракдан оққандек шилдираб оқиб ётибди. Энг қизиғи, бу ингичка жилғаларга юзлаб, минглаб кўм-кўк, ипдек узун-узун кўкатлар осилган. Сунбула деганлари шу экан.

— Қаранг, — деди Эргаш ака сунбула толаларидан завқланиб, — шоирлар "Сунбул сочинг", "Сунбулангдан ўргилай" деб ёзишади-ю, ўзлари ҳам сунбулани кўрмаган бўлса керак.

... Тоғ оралаб юқориладик. Сой бўйида уйлар, мўъжазгина қишлоқлар кўринди. Кун иссиқ. Сув ичмоқчи бўлиб бир уй ёнида тўхтадик. У ерда 16-17 ёшлардаги икки қиз гаплашиб турарди. Мен машинадан тушдим.

— Қизларим, узоқдан келган меҳмонларга бир пиёла сув топилармикан? — дедим. Ичкарида димиқиб кетди, шекилли, Эргаш ака ҳам машинадан тушди. Уни кўрган қизлардан бири: "Вой, Эргаш Каримов!" деб қичқириб юборди. Иккинчи қиз эса: "Ҳой Дилдора, Гулноз! Эргаш Каримов келди!", — деб бақирганича уйига қараб югурди. Бирпасда коса-коса муздек айрон, сув кўтарган қизлар пайдо бўлишди. Улар Эргаш аканинг сув ичишини ҳайратланиб томоша қилишарди. Бироз ўтиб атрофимизда одам тўлиб кетди. Ҳамма Эргаш аканинг қўлини олишга интилар, кайвони онахонлар эса қўлларини дуога очишган эди. Учрашувдан сўнг болабақра, хотин-халаж чувиллашиб машинамиз орқасидан анча ергача чопқиллаб боришди.

Мен Эргаш Каримов ҳақида хотира ёзишни сира ўйламаган эдим. Начора, тақдир экан...

Саъдулла СИЁЕВ,
ёзувчи

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

Лизингга машина олмоқчиман...

– Мен лизингга автомашина сотиб олмоқчиман. Лизинг шартномаси ҳақида тушунча берсангиз?

Наргиза СОЛИЕВА
Сирдарё тумани

Лизинг-молия ижарасининг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тараф (лизинг олувчи)нинг топшириғига биноан учинчи тараф (сотувчи)дан лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулк (лизинг объекти)ни мулк қилиб сотиб олади. Уни шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг олувчига ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

Келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида лизинг объектини ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг берувчи деб тан олинади. Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун лизинг объектини оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади. Лизинг берувчи лизинг объектини кимдан олаётган бўлса, шу шахс сотувчи деб эътироф этилади. Лизинг берувчи мол-мулкни бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни сотувчига лизинг бўйича топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда, бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам сотувчи бўлишига йўл қўйилади.

Лизинг объекти сифатсиз чиқса...

– Лизинг шартномаси бўйича олинган мол-мулк сифатсиз чиқса ким жавобгар бўлади?

Зуҳриддин БОБОҚУЛОВ
Оқолтин тумани

Лизинг олувчи лизинг шартномаси предмети бўлган мол-мулкни сотувчига мол-мулкнинг сифати ва бутлиги, уни етказиб бериш муддатлари ҳақидаги, шунингдек, шартнома сотувчи томонидан зарур даражада бажарилмаётган бошқа ҳолладан келиб чиқадиган талабларни қўйишга ҳақли. Бунда лизинг олувчи олди-сотди шартномасидаги тарафлардан бири бўлгани каби сотиб олувчи учун назарда тутилган ҳуқуқларга эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади (сотиб олинган мол-мулк ҳақини тўлаш мажбурияти бундан мустасно). Бироқ лизинг олувчи сотувчи билан олди-сотди шартномасини лизинг берувчининг розилигисиз бекор қила олмайди.

Сотувчи билан бўладиган муносабатларда лизинг олувчи ва лизинг берувчи солидар кредиторлар ҳисобланади. Агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларнинг сотувчи томонидан бажарилиши учун лизинг олувчи олдида жавобгар бўлмайди (сотувчи танлаш бўйича жавобгарлик лизинг берувчининг зиммасида бўлган ҳоллар бундан мустасно). Сотувчини лизинг берувчи танлаган тақдирда, лизинг олувчи олди-сотди шартномасидан келиб чиқадиган талабларни ўз хоҳишига кўра солидар жавобгар бўлган мол-мулк сотувчи олдига ҳам, лизинг берувчи олдига ҳам қўйишга ҳақли.

Саволларга Янгиер шаҳридаги 2-сон давлат нотариал идораси нотариуси А.МАНСУРОВ жавоб берди.

РУҲИЯТ ОЛАМИ

НАФС БИЛАН ОЛИШУВ

Ҳаётда ҳар қадамда ҳар нарса бўлиши мумкин. Мана, бугун у нонуштасиз қолди. Ишга отланаркан, ошқозонининг ачишганига парво қилмай йўлида давом этаверди. Ҳамёнида атиги йўл ҳақи учунгина пул бор. Куннинг иккинчи ярмида маош берилиши керак. Сабр қилса бўлгани.

Ҳамкасблари аллақачон ишга келиб бўлишган, ҳатто доим кечикадиган котиба ҳам бугун жойида. Ишга киришиб кетди. Лекин қорин қурғурни алдаш қийин экан, дармонсизлангандай бўлди. Қарз сўрашга юзи чидамади. Ота-онаси ёнида бўлгандаку-я?! Бўғзига тухумдек нарса тиқилди.

Ниҳоят, тушлик вақти яқинлашиб, ҳамма бир-бир ишдан бошини кўтара бошлади. Келганидан бери яқин дугонасига айланиб улгурган Шаҳина тушликка таклиф қилганида "Йўқ, ҳозир томоғимдан ҳеч нима ўтмаяпти. Бироз қиладиган юмушим бор" дея баҳона қилди. Ёлғиз қолгач, қанча ўтирганини билмади. Қараса, Шаҳина иш столи устида қизил рангли ҳамёнини унутиб қолдирибди. Кўнглига шайтон ғулғула солди. "Анчагина борга ўхшайди, озроғини олиб егулик сотиб олсаммикин? ...Мингталиклари ичидан атиги учтасини суғуриб олганимни сезмас" деган ўй хаёлидан ўтди. Гарчи хонада ўзидан бошқа одам бўлмаса-да, секин атрофга қаради. Шаҳинанинг қайтишига ҳали анча вақт бор. Ҳамёндан тушликка етарли миқдордаги пулни олиб, эшик бўсағасида тўхтади. "Билиб қолсачи? Унда ким деган одам бўламан? Бир марта йўқотган ишончни яна тиклаб бўлармикан?... Шу дам уни таъқиб этишни тўхтатмаётган нафси исён кўтарди. Кўзини чирт юмиб чиқиб кетди. Ошхонага кириб борди. Кўнглида ҳадик, кўзига онаси кўринди.

Эсида, бир куни ўртоқ дугоналари билан кўчада ўйнаётиб, тегирмончининг уйи ёнидаги харсангтош олдидан бир ҳовуч майда тангалар топиб олганди. Уйга олиб борганида онаси кўриб изига қайтарган. Жойига олиб бориб қўйишини буюрган. "Менинг ўрнимда бошқаси ҳам олардику", деганида онаси юзига шапалоқ тортиб юборган. Шу-шу болалигида калтакнинг зарбидан қўрққаниданми ёки бошқа сабаб бировнинг буюмига қўл теккизмайдиган бўлганди. Ҳозир эса... Ошхонада шуларни хаёлидан ўтказаркан, худди уни биров тутиб оладигандек ортига қараб югурди: "Менинг қўлим қинғир бўлиши мумкин эмас!." Буюртирган овқатини тайёрлаган ошпазнинг ҳай-ҳайлашига ҳам қарамади. Ўғирланган пулга олган таом томоғидан қандай ўтади?!

Дугонаси ҳали тушликдан қайтмаган экан. Пулни жойига қўйди. Кечга яқин ишчиларга ойлик тарқатилди. Бу — унинг биринчи маоши эди. Уйга қайтаётиб бозордан турли егуликлар харид қилди. Овқатга уннаётса, қишлоқдан онаси қўнғироқ қилди. "Қизим, қийналмаяпсанми? Эртага харажатларинг учун пул юбораяпмиз. Яхши овқатлан..." деган сўзларни эшитаётиб ўзини зўрға йиғидан тутиб қолди.

Гарчи бундай вазият кундалик ҳаётда тез-тез учраб турса-да, ўша кунгидай қалтис ҳолатга биринчи дуч келиши эди. Нафси хуруж қилган ўша дақиқаларда йўлдан озиб, ўғирлик қилишига бир баҳя қолганини эслаб уялди. Энди бундай қилмасликка онт ичди.

Ҳар қандай иллат болаликдан илдиз ота бошлайди. Ниҳол ерга нотўғри қадалса, келажакда эгри дарахтга айланиши мумкин. Инсон боласи ҳам худди ниҳол сингари. Вақтида тўхтатмаган қалтис ҳаракатларини охир-оқибат иллатга айлантириши мумкин. Биз кўпроқ ташқи омилларга қарши курашамиз. Аслида эса ўзимизнинг ичимиздаги душмандан халос бўлмоғимиз лозим. Ахир, у ҳар дақиқада оёғимиздан чалишга фурсат пойлаб туради. Унинг отини нафс дейдилар.

Дурдона МУХТОРОВА,
ЎзДЖТУ талабаси

Бир кун ҳам ўтар, минг кун ҳам!

Агар Тошкент - Самарқанд катта автокарвон йўли билан кўҳна шаҳар сари юрсангиз, вилоят "дарвоза"си – "Юқори нуқта" постидан ўтишингиз аниқ. Ушбу қўналға жойлашган ернинг баъзиларга маълум, кўпчиликка ноаён ўзига яраша сиру синоати бор. Масалан, бу – диёримиздаги денгиз сатҳидан энг юқори сатҳда – 856 метр баландликдаги ягона ҳудуд. Табиати ҳам бошқа манзилларникидан фарқ қилади. Ёзин-қишин тинмайдиган шамолга шу жойда дуч келасиз. Чўлга ўхшамайдиган, лекин сув соғинадиган дашт дегани ҳам шу юрт. Хуллас, ана шу тупроқда деҳқончилик қилаётган одамни учратсангиз, не ўйларга борардингиз? Боз устига, у олис-олислардан сув тортиб келиб, боғ-роғ яратаётган бўлса... Бундай одам, назарингизда, замона Фарҳодига айланса, не ажаб.

Қаҳрамонимиз, булунғурлик уста деҳқон, бир этак жужуқнинг отаси Илҳом ака Султонқулов ана шундай инсонлардан. Бу одам даштни кўкаламга, лалми тўқайзорларни сувот далаларга айлантирган, десам, ишонмассиз. Рости, қуруқ гапнинг ҳазми қийин. "Сўзнинг ози, амалнинг сози маъқул", деганларидек, деҳқон бобонинг номаи аъмоли, ўтмиши-ю бугуни ҳақида бир-икки жумла шунчаки гапириб эмас, кўрсатиб ўтсак.

Очерк

ГИДИРИ ЙЎҚ ОДАМ

Икки мингинчи йил, кузак боши эди. Отам қишлоғимиздан етти-саккиз чақирим этакдаги янги томорқамизга жўхори эккан. Лекин оиламизда экиндан хабар оладиган валломат топилмайди. Айни шу кезлар ўқишдан "йиқилиб" борган мен — турган-битган бекорчихўжани уйдагилар жўхори қоровуллигига жўнатишди. Илҳом акани дастлаб ўшанда учратганман.

Сумбула. Сувлар тиниб, далалардан одам оёғи узилиб қолган; бийдай кенгликда онда-сонда бир-икки чўпон-чўлиқ билан ҳосили кечиккан деҳқондан бошқа инсон қораси учрамайди. Шахмат тахтаси каби қорақура ангарларда кузга қолган жўхорипоя, картошкапоя, ловияпоя ва ҳоказо экинзорлар кўзга ташланади. Кимдир кўзини ишқалаганча чайласи биқинидаги қўрага ўтин қалаб, чўғ пуфлаш билан овора. Кимдир чакмонига ўралиб, тираманинг тонгги эпкинидан қунишиб, худди яширган ёнғоғини ер титкилаб ахтараётган ҳаккадай жўяклар оралаб нималарнидир тепкилаб қуради.

Қўриқнинг у томонидаги олмазорлар ним яшилу нимсариқ баргларини шамол тортқилаётганидан хафадек, тўқсонни бўйлаган момо каби тебраниб кетади. Зовур бўйларидаги қирмизи тусда донга кирган сувот янтоқларида майда ҳашаротлар ўрмалаб юради. Сал тепароқда, майдонлар оралаб бир чизикда экилган бўйдор тераклар илкис туриб қолган шамолдан қарсак уради...

Менинг даладаги биринчи куним ана шундай: одамлардан овлоқда, табиат қўйнида, муҳими, имтиҳондан йиқилиб издиҳомни жиним суймай турган кезлари айни муддаога эришган — ўзим билан ўзим қоладиган лаҳзадан бошланди. Ўша куни жўхорини қўриқлашдан кўра атрофни кузатиш маъқул тушди-да, дала кездим. Кеч киргач, отам қурган капада аллапайтгача шоқолларнинг чийиллашини, қари толларга уя қуриб олган қарғаларнинг потир-потирини эшитиб ётдим. Тонгласига юз-қўлимни ювиб, нонуштага уриндим. Манқалга човгум қўйиб турганимда ортимда кимнингдир оёқ товуши ва томоқ қиргани эшитилди.

— Ҳорманг, қўшни! — бурилиб улгурмасимдан янграган ушбу хитобдан чўчиб тушдим. — Оқшом қўрқмадингизми?

Ўгирилсам, рўпарамда келбати отни сескантирадиган, аммо кўринишидан содда ва самимий бир киши кулимсираб турарди. Икки ўртада нари-беридан танишув қабилидаги ҳангома бошланди. У томорқамизнинг кунботаридаги ўн гектарли чорбоғнинг соҳиби, ўзининг таъбири билан айтганда, "кўча кўрмаган ўзбек боласи" — Илҳом ака экан. Яхши одамнинг нуқси қаеридадир кўриниб туради, гарчи яқин танимасангиз ҳам, ана шу ундовга беихтиёр бўйсунасиз. Янги қўшнимнинг (шундай аташ ўринли бўлар) кўзларидаги ўта содда нигоҳ ва феълидаги самимият ичини ошкор этарди.

Гурунгимиз анчагача чўзилди. Мен қишлоқдан латифабоп кечмишлар сўзлайман. У ўзининг болалиги, экинлари, чорваси тўғрисида даврабоп гаплар қилади. Гоҳида қизиқсиниб Тошкентдан сўрайди. Бир неча йил Тошкент тиббиёт институтига имтиҳон топшириб, ўта олмаганини эслайди... Шу алфозда орамиздаги биринчи суҳбат ниҳоясига етиб, у ўз юмушига, мен ўз ташвишимга киришиб кетдик. Кузнинг куни эмасми, ҳаш-паш дегунча қоронғи тушиб, яна капамдаги ўрнимга кирдим. Сал ўтмай кўзим илинди...

— Ҳой, ука! Турсангиз-чи, қуёш тиккага келди! — яқин атрофда янграган чорловдан кўзимни очдим. Эшик олдида ўша ним табассумни билан Илҳом ака турарди. — Қани, юринг, бизникида чой ичамиз.

Илҳом ака жўхорипоя оралатиб эргаштирди. Шатир-шутир қилиб қомати нарвонни бўйлайдиган маккапоялар ичида кетиб бораяпмиз. Бир пайт жўяклар орасидаги уюм-уюм бўлиб тизилиб ётган кўсаклар олдида тўхтадик:

— Кўрдингизми, ука! — гап бошлади шеригим. — Чайлада ётаверганингиз билан қоровуллик битмайди. Кечаси ҳеч бўлмаса товуш бериб туриш керак.

Сўнг кўсакларни бизнинг чайлага ташидик. Мен бир қопни базўр пайкалдан олиб чиққунимча, Илҳом ака икки халтани қўлтиқлаб капага ташлаб қайтади. Ишимиз адоғига етгунча терга пишиб қолдик.

Илҳом ака чой устидаги ҳангомада туни билан ўғри қувгани-ю баъзиларини таниб қолганини айтиб берди. "Ён қўшни — жон қўшни, — чой узата туриб гап ташлади ҳамроҳим. — Ҳамсоячилик шундайда билинади".

Хуллас, суҳбати соз қўшнимизнинг феълидаги жўмардлик мени ҳайратга солди. Уйга келиб шу ҳақда айтганимда, отам мийиғида кулиб: "Илҳом фермерми, у ичида гидири йўқ одам", деб қўйди.

Аммо вақт ўзани турли ташвишлар гирдобига солиб, анча вақт учрашмадик...

КЎБАЙ ОТАНИНГ КЎКАЙИ ТОҒ БОЛАСИ

Уч йил бурун, қиш адоғи билан қандайдир ташвиш чиқди-ю, Булунғурга йўл олдим. Туман марказидаги емакхоналардан бирида шеригимни кутиб ўтирибман. Онда-сонда чуғурлашиб бўй етган йигит-қизлар, тирикчилик важида илдам-илдам қадам отаётган турли ёшдаги йўловчилар ўтиб қолади.

Пиёлага шўриллатиб чой қуяётган эдим, дераза ортида қўл телефонида зарда билан гаплашаётган таниш чеҳрага кўзим тушди. Ҳа, бу — мен бир пайтлар танишган, бегидир гаплари-ю қилиқларига ҳайратланган Илҳом фермер эди.

— Саломалайкум, ичкарига ҳайданг! — дедим дераза нинг бир кўзини очиб, қўлим билан эшикка ишора қилганча. — Икки оғиз ҳангома-да!

Илҳом акани гапга солиш ҳеч қийин кечмади. Суҳбатимиз аввалига ундан-бундан бошланиб, кейин ташвишларимиз ўзанига кўчди.

— Э-э, нимасини сўрайсиз? — деб куюнди ҳамсуҳбатим. — "Хотинни эр тўйдиради, деҳқонни ер", деганидай бизнинг ҳам ташвишимиз ер билан-да! Бир кун солиққа чопасиз, бошқа куни уюшмага. Мана, ҳозир кўкламги шудгор пайти, менинг туман марказида пўрим кийиниб юришимни қаранг! Аслида, шу паллада тракторнинг белида ўтириб ер ағдаришим, уруғ сочишим керак.

— Бўлади-да бари, иш кимдан қолмаган? — дедим ўсмоқчилаб.

— "Чорваники минг йилда, деҳконники бир йилда" — машойихларнинг гапи бу, — ўз фикрида давом этди фермер. — Экин-тикинга бир кун ҳам фарқ қилади. Давлат режаси бор. Иннанкейин, ўзимизга қанча кўп ортса, шунча яхши...

Гап гапга қовушса, вақт ўтгани сезилмайди. Суҳбатимиз дақиқа сайин қизиди. Бу орада хонтахта устига егулик ҳам тортилди.

— Ҳозир кўпчилик фирибгарликни касб қилган, — чой ҳўплаб гурунгни давом эттирди ҳамроҳим. — Тавба, ҳатто давлатни ҳам алдашга ҳаракат қилади. Бундай хаёл айрим фермерларнинг ҳам ақлини ўғирлаганига нима дейсиз?!

— Қандай қилиб?

— Кеча қўшни қишлоқдан бир давлатмандниng арзандаси келибди, — худди менинг саволимдан энсаси қотгандек пешонасини тириштирди фермер. — Нима эмиш, у банкдан фалон миллион кредит олармиш, мен кафил ўтармишман. Борди-ю, қарзини тўлай олмаса, менинг фермерлигим давлат тасарруфига ўтиб кетаркан.

— Кейин-чи?

— Бояги валломат бир-икки ойдан сўнг танишларини ўртага солиб, акам ёки укамга бошқа ном билан қайта очиб берармиш фермерликни. Ундирилган маблағ ўртада "арра" бўлармиш. Кўраяпсизми фирибни?!

— Нега рози бўлмадингиз? — ўсмоқчиладим.

— Сиз менинг феълимни яхши билмайсиз-да, — дадилланди Илҳом фермер. — Бир замонлар ер оддий одамларга мулк қилиб тақсимланганда, яхши ният билан раҳматли отамнинг шарафига "Кўбай ота" фермерлигини очувдим. Эҳ-ҳе, орадан қанча сувлар оқиб ўтди; давлатдан қарз бўлиб, ҳосил солиқни қопламаган кунларни ҳам бошдан ўтказдим. Мана, қарийб ўн етти йилдирки, ана шу ном турибди. Энди келиб-келиб, ўткинчи ҳою ҳавас деб, бир-икки сўмнинг илинжида отамнинг шаънини сотаманми!..

Ташқарида баданга хуш ёқувчи шабада кезар, дераза туйнугидан сизиб ичкарига кирар эди. Гурунгни кўнгли тоза улфат берса, танингиз ипакдек эшилиб турган елдан яйраса, одам бошқача ҳузур қиларкан. Бу орада мен кутаётган киши келди-ю, суҳбатимиз узилди...

Автобус тўлқинлар оша пишқириб сузаётган кема янглиғ шамоллар забтини кесиб боради. Адирлар бағрида дикирлаб ўйнаётган қўзичоқлар кўзга ташланади. Уйғонаётган заминнинг ҳаётбахш нафаси улов ичкарисига сузиб кириб, киши қалбида аллақандай дилгир туйғуларни уйғотиб юборади. Кўклам насимида куртак отаётган дарахтларнинг, нишлаётган майсаларнинг, қизиётган тупроқнинг, борингки, тоғлар бағрини тилиб сизаётган чашмаларнинг бўйи бор. Шу боис, одам бундай дамларда олис болалигини, беғубор дамларни, кенгфеъл одамларни қўмсаб қолади.

Негадир оққўнгил деҳқоннинг содда фалсафаси эсимга тушди. Қулоғим тагида куюниб гапиришлари эшитилаётгандай бўлди.

ЗОТИ ТОЗА ЗОТ АЙТАДИ

Қиш. Аёз жамики тирикликни сиқувга олган. Ҳатто қушларнинг қанот қоқишга ҳафсаласи йўқ. Бироқ кўҳна Ғўбдинтоғнинг кунчиқардаги қуймичида туёқлар гувиллайди, қийқириғу ҳайқириқлар қайнаб-тошади. Зот эмас, ор-номус талашаётганларга қараб эл эмранади.

— Ҳей, дасти узун, нияти тоза биродарлар! Бугун солимга тўйхонадан кўп ўликмолдан ташқари беш кўчқор, икки новвос, бир той, бир туя айтилган! — дейди пўстинга ўралиб олган норғул баковул гулдираб. — Кўнгилда бўлса айтаверинг, бақириб-бақириб юрт олдида айтаман!

Чортоқнинг турли бурчакларидан қур томонга отлиғу пиёда эниб келаверди — жарчи бирма-бир товушлаб кетаверди:

— Оқтошлик Илҳом фермернинг номидан — бир қўй, устида бир биллури чопониям бор! — баковулнинг ўктам овози адирлар бўйлаб чилланинг забтини кесиб ўтди. — Ҳо-ов, илиги тўқ тақимдорлар! Отинг қушдан ўтса, ўзинг ҳалоллаб ютсанг — оласан. Биринчи такага шу мардимайдоннинг атаганини тиқдим!

Отлар уюри сайҳонликнинг энишига қараб қўзғалди. Кенглик узра улоқнинг ҳавоси кўтарган қийқирувлар янгради. Томошаталаблар ўзлари ишқибоз бўлган полвоннинг номини айтиб қичқиради. Бу орада кимлардир баҳсга ҳам киришиб кетди:

— Кўрасан, кўчқорни Собир полвон тақимлайди, — деди бири.

— Ундан Сирожиддин пешроқ! — эътироз қилди иккинчиси.

Уларнинг гапи ҳеч муросага келавермади.

— Агар Сирожиддин қўйга ташласа, қишлоққа текин олиб кетаман, лекин бундай бўлмайди! — бурнини кўтариб қаради миқтироғи.

— Қишлоқдошинг қўчқорни айирса, хўроз сўяман! — деди қотмадан келгани.

Суҳбатни эшитиб кулгим келди. Соддадилликни қаранг: солимни биров олади-ю, хўрозга "тушган" бошқа?!

Кўпкари қизигандан-қизиди. Вақтни ғанимат билиб Илҳом фермерни ахтардим. Нега изладим, нима туртки бўлди, билмайман. Киши барча ташвиш-у тирикчиликдан узилган кезлари самимий ҳангома берадиган ҳамсуҳбатни қўмсайди, шекилли.

Биз яна учрашдик. Кўп йиллар кўришмаган дўстлар каби бел олишиб сўрашдик. Зум ўтмай гап гапга уланди.

— Улоқ — элники! — деди Илҳом ака менинг билагимдан тутиб, кўпкаридаштнинг қибла томонига бошларкан. — Гашти бошқача-да, қиш бўйи кўпкарилардан қолмайман. Қаерда полвонларни кўрсам, қўшилиб оламан. Агар шу ўртада чопиладиган бўлса, албатта, солим айтаман.

— Нега? — сўрадим ҳайрат аралаш.

— Э-э, халқда ҳақингиз қолармиди?! — қаҳ-қаҳ уриб кулди у. — Эртага болаларнинг суннатида улоқ берадиган бўлсам қайтариб қўшадида!

— Қўшмаса-чи? — унга пишанг бергим келди.

— Унда кўнглига ҳавола. Мен орзуҳавас билан атайман, тўй берганимда бизга ўхшаш ҳавасмандлар топилади...

Иккимиз тизза бўйи қор қоплаган кекса далаларни кесиб, автоуловга ўтирдик. Улов ичидагиларнинг аксари Илҳом аканинг таниш-билишлари экан, ғала-ғовур авжига минди.

— Ҳей, Келдибек ака, манови мухбир укам бўлади. Солим айттиришимга ишонқирамаяпти. Собир полвонни қўй сўйиб кузатганингизни гапириб беринг.

"Дамас"нинг ўнг бурчагида жуссаси ярим қучоқ келадиган, азбаройи қисилганидан фақат боши кўриниб турган киши кулги аралаш гап бошлади:

— Нимасини сўрайсиз, шармандагарчиликдан бош кўтара олмай қолдик-ку ўша кунлар, раис!

Машина ичида яна ғала-ғовур бошланди. Ҳамма айтувчини қистовга олди.

Келдибек аканинг сўзларига кўра, оқтошлик Собир полвон қайсидир улоқда тойга ташлайди. Кўпкаридан сўнг уйига қайтаётиб, кўча бошида Келдибек фермерни учратиб қолади. Фермер ундан нима айирганини сўрайди. Полвон борини айтади. Тойни қишлоққа тан қилганлигидан суюниб уйига таклиф қилади. Дастурхон тўкин бўлади, аммо ҳалиги "қурғур"дан бир-икки пиёла симирилгач, икки биродарнинг жигар ғиси келиб қолади. Бу ер шаҳармидики, зип этиб қассобхонадан жигар қўлтиқлаб келсанг. Азаматлар ўйлаб-ўйлаб фермернинг қўтонидан бир совлиқни судраб чиқиб, бўғизлашади.

"Камсуқум" меҳмон билан "саховатпеша" мезбон қишнинг қаҳратонида қўйнинг терисини шилиб, қорнини ёрган маҳал ҳалиги "номинг ўчгур" кучини кўрсатганми ёки чироқ ўчиб қолганиданми, жигархўрлар совлиқнинг ...ўпкасини қозонга босишади. Шундай қилиб, икки жигар ишқибози тонготаргача ўпкахўрлик қилишади.

Эртасигаёқ Собир полвон билан Келдибек фермернинг "жигархўрлиги" оламга достон бўлиб, тўй-маъракаларда асосий "мавзу"га айланади...

Улов ичида бир ажиб — калака-ю мазахдан, таҳқир-у камситишдан ҳоли кулги янгради. Очиғи, яйраб-яйраб кулдим. Келдибек фермернинг ҳаракатлари, имоларини эсласам, ҳали ҳам завқим тошади.

Яна ўйлайман: элимизда ана шундай зот айтадиган, айтганини одамгарчилик йўсини деб биладиган фермерлар кўпайсин. Полвонини ҳурмат қиладиганлар, ардоқлайдиганлар сафи кенгайсин. Майли, минг бир хандалар ҳам тўқиб чиқилсин!

МЕҲНАТ — БОШГА ТОЖ, УМРГА БЕЗАК

Қуёш савр буржидан ўтиб, жавзони қоралаб қолган кезлари бир тўй баҳонаси билан Бахмал томонларга йўлим тушди. Ўзбекнинг маъракаси нимаси билан қизиқ? Аввало, бир-бирига етти ёт бегона одамларнинг танишуви билан.

— Қани, меҳмон, қаерлардан сўраймиз сизни? — деб гап бошлади тўрда ўтирган оқсоқол.

— Биз ҳам шу атрофнинг одами, — жавоб қайтардим оқсоқолнинг гап оҳангида.

Бу мўйсафидга маъқул тушди чоғи, гурунгимиз қизиб, деҳқону чорвадорнинг каму кўстини, замона зайлини муҳокама қила кетдик. Сўз айланиб Бахмалнинг ноёб олмасига келиб тақалди. Дастурхон атрофидагилар унинг тарихи, ҳосилдорлиги, етиштиришдаги ўзига хос жиҳатлари хусусида қизиқ-қизиқ гапларни айтишди. Сўнг...

— Бунинг бари меҳнатнинг мевaси, — вазминлик билан сўз бошлади оқсоқол. — Яна, об-ҳавонинг ҳам таъсири бор. Мана, масалан, Булунғурнинг Оқтошидан Илҳом деган фермернинг боғида бисдагидан пеш бўлса пеш, кам бўлмаган "Голден", "Бешбармоқ", "Семеринка"ларни кўриб, ҳавас қилганман, — мўйсафид ҳар бир жумлани чертиб-чертиб айтди. — Жон қойитиб ишламаса, Бахмалда бўладими ёки бошқа жойдами, олма тугул оддий қайрағоч ҳам битмайди. Очиғи, Илҳомнинг ниҳолни парвариш қилишини эшитиб ёқа ушладим. Ҳар бир кўчатни алоҳида тарбия қилган экан, укағар!

Даврада "Рост, ҳамма нарса қаров билан-да, тарбияси яхши дарахт мўлжалингиздаги ҳосилни беради-да!" деган маъқулловлар эшитилди.

Менинг хаёлим эса касбига собит, ҳунарининг пири рутбасига эришган фермерга оғди. У ҳақда қоғоз қоралагим келди. Зотан, эскилар "Бир кун ҳам умр, минг кун ҳам!" деб шунчаки айтмаган. Инсон бу ёруғ ташвишгоҳга келиб, ҳаётнинг ҳар лаҳзасини чин маънода яшаб ўта олса, кўп минг йиллик устувор қарашларимизга собит тура олса, саодатли кишилар деб шуларни айтиш мумкин.

Қаҳрамонимизнинг у ёнидан-бу ёнидан қарайман: ички дунёсини, тиш ёриб бировга айта олмайдиган сирларини билишга чоғланаман. Аммо... Уста деҳқон, моҳир миришкор Илҳом Султонқулов ҳақида билганларим ҳозирча шу.

Анвар СУЮНОВ

Масаллар

ТУМАН БОЙЛИК

Йўл юзида икки дўст учрашиб қолдилар:

— Ў-ў, ошнам, нима гап? Баайни бўлғуси қайлиғи билан учрашувга чиққан йигитдек хушнудсан?!

— Э, нечун хушнуд бўлмай?! Биласан-а, мен тенгиларнинг кўплари ҳассага таяниб қолишган, кўплари кўз юмишган. Сен эсанг, қара, етти йил ётган дардманддек зўрға судралиб юрибсан. Мен-чи, қиёсан айтганда, йўрға жийронман, қадамим илдам. Негаки, соғман, соғломман. Шунинг учун ҳам хушнудлик менга ҳамроҳ, кўзларимга олам мевазор бир боғ!..

НОК ҲАМДА ҚУРТ

Кўзни олгудек рангланиб, тарангланиб етиларди Нок. Во... қаранг-а, ушлайсиз ёқа, кўп ўтмай бошига оғир ташвиш тушган кимса юзидек сўлинқирай бошлади у, танасидан қочиб сув. "Э-ҳей, мунчалар ҳам бузиб тинчимни, кемирмасанг ичимни!!" — Нолиди Нок зорзор. Ичидаги Қурт эса гоҳ у ён йўртарди биланглаб, гоҳ бу ён, ўзин тутиб нок наҳанги уммон.

Дерларким, ўзингдан чиқса агар ёв,
Азобдир товонга киргандек ғаров.

ФИРИБГАР ҲАМДА ЛАҚМА

Бозор даҳанасидаги азим тол тагига ўтирволган Лўли, қўлида қора тасбеҳ, кўзлари чумолилар мисол у ён-бу ён ўтиб турган одамларда эди. Сочлари кирпи игналари янглиғ, бўйдор, рангпаргина йигит унинг эътиборин тортди:

— Ў-ў бача, — деди у ҳам илтижо, ҳам фармон тарзида сенда алланималардир кўринаётир. Исминг нима?

— Рўзивой, — жавоб берди йигит елка учириб.

— Бери кел, бери кел! Кўнглинг баайни дашти тақир. О, на бўлди, йўлларингда қуюн, ишларингда тугун, чарх ураётир тегрангда бир гала қузғун. Қани, ўтир бетингни менга ўгир, кафтингни кафтимга бос, зора ғаму андуҳларингдан этолсам халос. Э-ҳе!.. Париларим, муаккилларим, қайлардасиз?! Бўрондек елинглар, ҳузуримга келинглар!! Манави, рўйи зарчавадек кимсанинг аҳволидан дийдамда кўз ёшларим ёмғирдир, ёмғир. Оғир!!! Бу оғирликни енгиллатувга фақат сиз қодир. А-ҳа, бале, келдингларми! Мана шу бачагинага қилинглар карам, чарақласин кўксидаги сўнаётган шам!

Лўлининг жаврови тинди. Ўрнини сукут, хўрсинув эгаллади. Салдан сўнг пичирлай бошлади у синиқ товушда. Охири куф-суфлади, дам урди. Рўзивой эса, билмадим, ўзини енгил ҳис этдими, анчадан бери кўрмаган яқин танишини фавқулодда учратиб қолгандек шодон боқди Лўлига:

— Топқич экансиз! Ҳа, бошимдан ўтганларнинг анчасини аниқ айтдингиз! Балки қачон ўлишимни ҳам айтиб берарсиз?

— Э, бача, қўй, бошимни қотирма. Яхшиси, ҳа, тошингни тер!

— Ахир юз-кўзингиздан кўриниб турибди, биласиз.

— Билмайман, бундай гаплар менинг ичимда йўқ, "Тақдирнома" китобида бор.

— А-ҳа, бу китоб қаердалигини эҳтимол айтарсиз!

— А-а, нима десам экан-а, — деди Лўли атрофга ҳадиксираган ҳолда кўз югуртиб. — Бу китоб-чи, бача, мен сенга айтсам, биров эшитиб қолмасин тағин, ўзи оламда битта. У ҳам бўлса — менинг ҳужрамда. Буни фақат ўзим биламан, ўзим. Пулига чидасанг, олиб келай. Унда ким қачон ўлиши ҳақида ёзилган.

— О, олиб келинг, қачон ўлишимни эшитай! Энди момо этакни каттароқ очинг. Мана, манави пул очган фолингизга, манависи китоб ҳақида берган хабарингизга. Эндигисига яна мен — тахт.

— А-ҳа, шундай дегин-а. Унда мен борай, сен мана шу толга суяниб тур. Қимирлама! Қимирласанг билиб қўй, иш бузилади. Шарти шу, ҳимм. Хўп мен кетдим. Олиб келай китобни. Кутиб тур!

Лўли жилди. Рўзивой-чи, ўтса-да неча баҳор, неча куз, кутмоқда ҳануз.

Шайтоний йўриқни тутар фирибгар,
Ҳар доим лақмани кутар фирибгар.

Ямин ҚУРБОН

Туризм

Қадрини топган қадриятлар

Устюрт кенгликлари бўйлаб саёҳатга чиққан киши яхши биладики, чексиз саҳро ва қум барханларидан иборат бир хил манзара жуда катта ҳудудни ташкил этади. Аммо узоқдан учта тупроқ уюмини эслатувчи пахса деворлар кўрина бошлаши зериккан кўнгилларда қизиқиш уйғотади. Уларга яқинлашганингиз сари тобора улуғворлик, салобат касб этади. Ҳайратингизни оширган бу қадимий истеҳком – Аёзқалъа. Айрим қисмлари буткул вайрон бўлган эса-да, мағрур қад ростлаб турган мажмуа сизни мозий сари саёҳатга, фикрлашга чорлайди...

Она заминимизнинг ҳар бир гўшаси ана шундай ўзига хос тарихга эга. Қорақалпоғистон бағридаги Аёзқалъа ёдгорлик мажмуаси ҳам шулар жумласидан. Зинапоя услубида қурилган учта қалъадан иборат ушбу истеҳком харобаларига доир қизиқарли афсона ва ривоятлар жуда кўп. Минг-минг йиллардан бери халқ орасида яшаб келаётган бу ривоятлар Аристотель таъбири билан айтганда, ҳақиқатдан дарак беради, тарихий далилларга асосланади. Зеро, олимларнинг археологик тадқиқотлари ёдгорлик-мажмуанинг милодий II-IV асрларга мансублигини исботлади. Айниқса, катта ҳовли ва қирқта хонадан иборат учинчи қалъа тадқиқ этилганда ноёб топилмалар қўлга киритилди. Илмий изланишлар сопол буюм, меҳнат қуроллари, яроғ-аслаҳа, зеб-зийнат буюмлари ва тангалардан иборат осори-атиқаларнинг Кушон подшолиги даврларига мансублигини ҳамда қалъа кейинчалик Хоразмнинг шимоли-шарқий чегарасида мустаҳкам истеҳком вазифасини бажарганини ойдинлаштирди.

Қайд этиш жоизки, Аёзқалъа узоқ йиллар мобайнида эътибордан четда қолди. Ҳайбатли, қўрқинчли жой сифатидаги тасаввурлар маҳаллий аҳолини ундан узоқлаштирди. Аммо бугун қадимий истеҳком бутунлай бошқача кўринишга келган.

Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда тарихий ёдгорликларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари қизғин тус олди. Қолаверса, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг аниқ механизмлари ишлаб чиқилди, кўплаб сайёҳлик марказларининг ташкил этилишига замин яратилди. Олис Аёзқалъа мажмуасининг маҳаллий ва хорижий туристлар назарига тушиши, унинг бағрида қайтадан ҳаёт уйғониб, ҳозиргидек бетакрор кўринишга келиши юқоридаги хайрли амаллар ҳосиласи, албатта.

Дарвоқе, айни пайтда ёдгорлик яқинида «Аёзқалъа» сайёҳлик маркази ташкил этилган бўлиб, миллий анъаналарга мувофиқ қурилган 15 та ўтов саёҳатчиларнинг кўнгилли ҳордиқ чиқаришларига кўмаклашмоқда. Бундан ташқари, меҳмонларга кўҳна элат урф-одатлари ва қадриятлари ҳам намойиш этилаётир. «Қора уйлар»нинг ички ва ташқи кўриниши, миллий каштачиликка асосланган нақшу нигорлари, ҳудуд ўтмишига оид турли осори-атиқаларнинг ўтов тегараларига дид билан жойлаштирилгани қалъага ўзгача кўрк бағишлаган. Гўё узоқ сафарга отланиб турган "Саҳро кемалари" — атрофда бамайлихотир кезиб юрган юк ортилган нортуялар, улар бўйнидаги қўнғироқлар жаранги эса кишини беихтиёр мозийга етаклайди.

Ушбу хайрли ишларнинг ижодкори тиниб-тинчимас тадбиркор Дилбархон Каримбердиевадир. Иқтисодиётимизнинг истиқболли тармоғи — сайёҳликни йўлга қўйиш учун мамлакатимизда катта имкониятлар мавжудлигини яхши англаб етган тадбиркор биринчилардан бўлиб бу ишга қўл урди. Дастлаб "Ўзбектуризм"нинг Қорақалпоғистон филиали «Тўрткўл саёҳат» сайёҳлик марказини ташкил этгани тадбиркорнинг кўпдан ўйлаб юрган режасини амалга ошириши учун туртки бўлди. «Аёзқалъа» сайёҳлик фирмасига асос солди.

— «Туронбанк»дан имтиёзли кредит олиб, марказни ташкил этдик, — дейди у. — Иккита 45 ўриндиқли автобус сотиб олдик. Аёзқалъа ёнида Аёзкўл бор. Унда меҳмонлар сайр қилиши учун қайиқлар ясатдик.

Тадбиркор ўз фаолияти билан эл-юртга фойдаси тегаётганини доим ҳис қилиб туриши керак, деб ўйлайман. Бу унга куч беради. Тадбиркорлиги халқ маънавиятини юксалтиришга ҳам улуш қўшаётган бўлса, нур устига аъло нур. Туризмни ана шундай фаолият турларидан бири, деб атагим келади. Эзгу ниятларим истиқлол йилларида ижобат бўлди. Аёзқалъада бошлаган ишларим бугун анча кенгайди. Тўрткўл туманида меҳмонхона қуришни бошладик.

Жорий йилда Қорақалпоқ диёрининг яна бир тарихий маскани — "Тупроққалъа" ёдгорлик мажмуасида ўтказилган «Асрлар садоси» халқаро фестивали кўҳна элат қадриятларини намоён этиш, юксалтириш ва тарғиб қилишга катта имкон берди. Фестивалдаги халқимизга хос миллий, маънавий мерослар — қорақалпоқ халқининг маданий ҳаёти, миллий либослари, бетакрор таомлари кўргазмаси, ҳунармандчилик намуналари иштирокчиларни абадият сарчашмаларидан баҳраманд этди. Д.Каримбердиева ҳам ушбу санъат фестивалида қатнашиб, Элликқалъадаги бир-биридан қадимий ва салобатли қалъалар қаторида "Аёзқалъа" мажмуаси ҳақида ҳам фестиваль иштирокчиларини хабардор этди. Шу боис, айни пайтгача истеҳкомга меҳмонлар ташрифи сусайгани йўқ. Бағрида афсоналар яширинган кўҳна Аёзқалъани кўришга ошиқиб дунёнинг турли бурчагидан келаётган сайёҳлар сони тобора ортиб бораётир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Аёзқалъа миссолида кузатганимиз сайёҳлик соҳаси мамлакатимизда жадал ривож топаётир. Маълумотларга қараганда, соҳада тадбиркорлар фаоллиги йил сайин ошиб боряпти. Улар томонидан амалга оширилган сайёҳлик хизматлар кўрсаткичига назар ташлайдиган бўлсак, рақамлар 2010 йилга нисбатан 8,3 фоизга ошган. Бундан ташқари, хусусий тадбиркорлар ҳиссасига тўғри келадиган корхоналарни рағбатлантириш орқали туристик фаолият субъектлари сони кескин ошди. Ўтган йилнинг ўзида 124 та ташкилотга туристик хизмат кўрсатиш учун лицензия берилгани ва улар асосида 55 та меҳмонхона хўжалиги ташкил этилганининг ўзи мамлакатимизда сайёҳликнинг тобора қудратли индустрияга айланиб бораётганидан далолатдир.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
журналист



Шоҳжаҳоннинг оҳ голи

Оқтош. Тўрақўрғоннинг кенг ястанган қишлоқларидан бири. Унда катта кўчани тўлдириб, маҳаллани бошига кўтариб футбол ўйнаётган болаларнинг қий-чуви тинмайди. Болалардан бири: «Шоҳжаҳон, теп», деса, яна бири «тўпни ошир!», дея қичқиради. Аммо у тезкор ҳаракати билан рақиб дарвозасига навбатдаги голни киритади...

Ҳа, бу ёш чемпион Шоҳжаҳон Аббосовнинг бундан ўн йил олдинги ҳаётига мансуб гаплар... У ўшанда ҳам чин дилдан футболчи бўлишни орзу қиларди. Ҳали мактаб эшигидан ҳатламаган Шоҳжаҳоннинг қалбини, руҳиятини футбол банд этиб, зафарлар томон одимлашида қўлидан маҳкам тутди. Бугун у машҳур «Машъал» футбол академияси тарбияланувчиси. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзоси. Яқинда Эронда бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги қитъа чемпионатининг мутлақ ғолиби.

Ёш футболчиларимизнинг эришган ғалабасини телеэкран орқали кузатиб, Шоҳжаҳон билан учрашишниият қилдик. Ниҳоят, чемпионимизни оиласи даврасида муборакбод этиб, таассуротлари билан ўртоқлашиш асносида суҳбатга тортдик.

— Шоҳжаҳон, улкан зафардан сўнг ота уйига қайтишнинг шукуҳи ўзгача бўлса керак-а?

— Аввало, пойтахт халқаро аэропортидаги кутиб олиш маросимига тўхталиб ўтсам. Юртимизга чемпионлик кубоги билан қайтиш биз учун шараф. Шу ифтихор туйғуси қалбимизга тумордек тақилганини ана ўша лаҳзалардаёқ ҳис этдик. Она юртимизда бизни катта шодиёна билан қарши олишганидан бахтиёр эдик. Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида биз ёшлар учун, хусусан, футбол ривожи учун оламшумул ишлар қилиняпти. Менинг, жамоамизнинг муваффақиятлари мана шу эътиборнинг самараси, деб ўйлайман. Бунинг узвий давоми сифатида мухлисларимиз, уйимда қариндошлар, маҳалладош ва дўстларим қучоқ очиб кутиб олгани мени жуда тўлқинлантириб юборди.

— Турнир давомида сизни ким кўпроқ қўллаб-қувватлаб турди? Ота-онангиз билан телефон орқали сўзлашдингизми?

— Майдонга тушишдан авval телефон орқали ота-онамнинг дуосини олиб, билдирган ишончларини юрагимга муҳрладим. Отамнинг «Ғалаба фақат бизники, ўйинда бўшашмагин, ўғлим!», деган сўзлари менга куч бағишлади. Турнир давомида терма жамоамиз бош мураббийи Дилшод Нуралиев, «Машъал» академияси мураббийи, устозим Жамшид Ботиров қўллаб-қувватлашди ва ғалабага ундашди.

Янгиликдан хабардор бўлган ўртоқларимнинг, қишлоқдошларимнинг тинимсиз қўнғироқларидан телефонимнинг электр қуввати тугаб, бир оз тиним олмоқда... Ҳалиҳанузгача SMS ва телефондаги табрикларнинг кети узилгани йўқ.

— Чемпионликнинг завқи барибир бошқача. Бу ҳаммагаям насиб этавермайди. Шу маънода, ўзингизни чемпион сифатида қандай ҳис қиляпсиз? Бугунги қувонч эртанги меҳнатга халақит бермайдими?

— Тинимсиз машғулотлар, олиб борилган машаққатли тайёргарликлар натижасида мана шундай ғалабага эришдик. Осиё чемпиони бўлишнинг завқи бошқа ютуқларга қараганда сурурли, у жамоамга, менга юксак ифтихор бағишлайди.

Қўлга киритган муваффақиятим келажакдаги ҳаракатга, интилишимга асло халақит бермайди. Аксинча, келгуси ғалабалар учун куч бағишлайди.

— Чорак финалдаги сўнгги «олтин» пенальтини сиз тепдингиз. Ўша онларда хаёлингиздан нималар ўтди? Масъулият юкидан чўчимадингизми?

— Бутун стадион олқиши ва ҳайқириғи ҳар қандай кишини ҳаяжонлантиради, жумладан, мени ҳам. Бош мураббийимиз ва жамоадошларим «Ўн бир метрдан шу голни киритсанг, жаҳон чемпионатига йўлланма нақд!», дея менга умид билан қараб туришганини кўриб, ўзимни қўлга олдим. Ахир, барча қилган меҳнатимиз пенальтидаги биргина голга боғлиқ эди-да!

Масъулиятнинг юки чиндан оғир, бироқ чўчимадим. Шижоат билан ҳаяжонни енгиб, қўрқмай тўпни тепдим. Йўлланган зарба рақиб дарвозасини ишғол этди. Ҳаяжон ана ўшанда бошланди...

— Барча футболчилар каби сиз ҳам 6-7 ёшингиздан маҳаллада тўп тепиб катта бўлгансиз. Ўша пайтлар билан боғлиқ қизиқарли воқеалар ёдингиздами? Бугун маҳаллангизда тўп тепаётган болалар орасида иқтидорлиларини кузатяпсизми?

— Болалигимда маҳалладаги ўртоқларим билан футбол ўйнашдан ҳеч зерикмасдик. Чинакам футболга акам Муҳаммаджон Ашуров ортидан эргашиб кириб келганман. Туманимиздаги 10-сонли ўсмирлар спорт мактаби мураббийи Нодиржон Халилов олдига бориб, машғулотларда қатнашмоқчилигимни айтганимда; мени синаб кўрганди. Акамнинг ёнида юриб ўрганганларим ана шу пайт асқотган. Шундан сўнг Нодир ака футбол машғулотларида иштирок этишимга рухсат берган. Аввалига отам бунга рози бўлмаган. Футболга бўлган иштиёқимни, қизиқишимни билгач, қаршилик кўрсатмаган.

— Яхшиси, у билан боғлиқ бир воқеани ўзим айтиб бера қолай, — дея суҳбатимизга қўшилди ёш футболчининг бобоси Аббос ота. — Туман миқёсида бўлиб ўтган бир мусобақада Шоҳжаҳонни иккинчи гуруҳ таркибига қўйишган экан. Мен мураббийи Нодиржондан буни биринчи гуруҳ билан ўйинга киритишини илтимос қилдим. Мураббий катта ёшлилар жамоасида ўйнашига иккиланиб-иккиланиб Шоҳжаҳонни ўйинга туширди. Шу ўйинда кичик жуссаси билан жамоадошларидан ажралиб турган набирам кетма-кет гол урди.

(Шоҳжаҳон ўша лаҳзаларни ёдига олдими ёки камтарлик қилибми, бироз жимиб қолди. Сўнг юқоридаги берган саволимизга яна ўз фикрлари билан жавоб беришда давом этди.)

— Маҳалламизни чангитиб тўп тепаётган болаларга келсак, уларнинг қалбида маҳалладоши бўлган ёш футболчига ҳавас, унинг ортидан эргашиш сингари туйғулар мавжуд. Мен буларнинг барини «Шоҳжаҳон ака, сиз каби футболчи бўлмоқчиман», деб ортимдан чопиб келиб саволга тутувчи чақноқ кўзлардан билиб оламан. Бунинг учун тўхтовсиз ҳаракат ва меҳнат қилиши кераклигини, орзунинг ўзи кифоя эмаслигини уларга таъкидлайман. Ўзимизнинг маҳалламизни қўяверинг, ҳаттоки қўшни Гулқишлоқ ёшларидан Абдулазиз, Илҳомжон сингари футболсевар истеъдодлар жуда кўп.

— Сиз севган футболчи ва жамоалар...

— «Барселона» жамоаси ўйинчиси Мессининг ўйин жараёнидаги ҳаракатларини диққат билан кузатаман, унинг тўп билан муомаласига иштиёқим баланд. Энг яхши кўрган ҳужумчим — «Челси»нинг машҳур тўпурарларидан Фернандо Торрес.

— Келгуси орзу ва режаларингиз қандай?

— Шундай марраларни забт этишда, аввало, биринчи мураббийим Нодиржон Халиловни, Республика ўсмирлар терма жамоаси аъзоси бўлишимга сабабчи «Машъал» футбол академиясидаги талабчан мураббийим Жамшид Ботировнинг хизмати катта.

Орзуларим... Келгуси йили Бирлашган Араб Амирлигида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳамда миллий терма жамоа таркибида тўп суриш — улкан мақсадим.

Суҳбат ниҳоялаб, чемпион билан уйидан кўча томон чиқар эканмиз, маҳалла кўчасида «теп, ҳаводан ошир», дея қичқираётган ёш Шоҳжаҳонларнинг ўйинига гувоҳ бўлдик. Уларнинг олов қалблигини, зўр иштиёқини қаҳрамонимиз хушнуд ҳолда кузатиб турарди...

Улуғбек РЎЗИМАТОВ
суҳбатлашди.

Яхлит сўз ва яхлитлик ҳақида

Иссиқ сўзим — иситма,
Совуқ сўзим — совутма.

* * *

Киши ҳурмати ўз қўлида.

* * *

Сийлагани пул топмасанг,
Сийпагани тилинг бор.

* * *

Сўздан сўзнинг фарқи бор,
Ўттиз икки нархи бор.

* * *

Яхши билан бўлсанг йўлдош,
Оғир ишингга қўлдош.
Ёмон билан бўлсанг йўлдош,
Тегар бошингга охир тош.

* * *

Яхши билан ўйнасанг, кунда бозор,
Ёмон билан ўйнасанг, кўнглинг озор.

* * *

Яхши иш — битирур,
Ёмон иш — йитирур.

* * *

Яхши кўрган дўстингга,
Яхши кўрган молинг бер.

* * *

Яхши оғизга — ош,
Ёмон оғизга — тош.

* * *

Яхши раҳбар — чин падар.

* * *

Яхшидан — шарофат,
Ёмондан — касофат.

* * *

Қўлингдан бермасанг, йўлингдан бер,
Йўлингдан бермасанг, сўзингдан бер.

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
info@uzhurriyat.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Гулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САЙДОВ
Сайди УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 233-67-51; Тел-факс 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими:
Тел:236-55-13, 233-36-02.

Вилоят мухбирларимизнинг телефон рақамлари:
Бухоро — (+99890)-557-40-17,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — (+99891)-672-82-33,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил Жабборов

Топшириш вақти — 21 00
Топширилди — 21 15

Адади: 6307 Буюртма — Г-1155 1 2 3 5